

Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal
Socio-economic, scientific-popular magazine
Общественно-экономический, научно-популярный журнал

BOSH MUHARRIR:

Mahmud TOIROV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Aziz VOITOV,

O'zbekiston Respublikasi

Qishloq xo'jaligi vaziri

Aktam XAITOV,

O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,

"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash" markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,

"Agro Biznes Inform Tahririyati"

MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,

O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

Fayzullo TOJIQULOV,

O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rinbosari

Asror MO'MINOV

Mas'ul kotib:

Baxtiyor ESANOV

Dizayner:

Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:

Jo'rabek SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:

Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda

Shukurjon JABBOROVA

Sirdaryo va Toshkentda

Farmina G'ayratova

Nashr O'zbekiston Respublikasi

Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining

2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli

qarori bilan Oliy attestatsiya

komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga

olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan

The journal has been published since 2005

№1/2023

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Kamoliddin SULTONOV,

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori

Durbek MAXKAMOV,

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasida prof.v.b. yuridik
fanlar nomzodi

Temirjan AYTBAEV,

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasida mudiri, q.x.f.d.

Bekmurat TURDISHEV,

Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d

Shuxrat BOBOMURODOV,

Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tekshirish instituti direktori, b.f.d.

Ravshanbek SIDDIQOV,

Don va dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.d, Rossiya FA akademigi

Baxrom MADARTOV,

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q.x.f.d, professor

Safar ALIQULOV,

O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d.

Bekmurod HAYDAROV,

Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x. bo'yicha f. d.

Usmon NORQULOV,

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrasida professori, q. x. f. d.

Rajabboy DO'STMURODOV,

ToshDAU, Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasida professori, i.f.d

Mansur YULDASHOV,

ToshDAU, Baliqchilik kafedrasida professori, biologiya fanlari doktori

Asqarbek SAFAROV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Alevtina KOJEVNIKOVA,

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

Abdullo MADALIEV,

ToshDAU, iqtisod fanlari doktori, professor

Abdunabi FATXULLAEV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Sirojiddin JO'RAYEV,

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida mudiri

Murod RAXMANKULOV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida
professori, q.f.d

O'ktam QO'LDOSHEV,

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasida mudiri
(PhD)

Qaxramon SHAKIROV,

ToshDAU, "Umumiy zootexniya" kafedrasida professori, q.x.f.d

Dilmurodjon HAKIMOV,

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash"
kafedrasida dotsenti

Mamur JUMASHEV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida
dotsenti

Iroda BAKIEVA,

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasida professori v.b., i.f.d.

Erkinjon BOTIROV,

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasida dotsenti, i.f.n.



ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР...

Табиат байрами бўлган Наврўз (Янги кун) Шарқ мамлакатларида, хусусан юртимизда 4 минг йилдан (балки, ундан ҳам кўпроқ вақтдан) бери кенг нишонланиб келинади. Нега, Наврўзни табиат байрами деймиз? Чунки, Наврўз нафаси билан табиат уйғонади, борлиқ яшаради ва янгиланади. Шу боис, ўтган йилларда Наврўз байрамини нишонлашга боғлиқ урф-одатлар такомиллашиб борди ва қадрият даражасига кўтарилди.

Наврўз байрамининг келиб чиқиши, қайси халқларда қандай нишонлаши бу ҳақида атоқли алломамиз Абу Райҳон Беруний (973–1047) 1000 йилда ёзиб тугатган “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида батафсил маълумотлар берган. Улуғ форс-тожик мутафаккири Умар Ҳайём (1048–1131) нинг “Наврўзнома” китоби ва бошқа тарихий манбаларда ҳам Наврўз байрамига оид қизиқарли маълумотлар, афсоналар келтирилган. Уларда Наврўз байрами Ер сайёраси Ҳамал буржига кирган биринчи кунда, яъни ҳозирги йил ҳисоби бўйича 21 мартда нишонланиши таъкидланган. Айнан шу санада тун ва кун тенглиги содир бўлади, кейин тун қисқариб, кун узая бошлайди. Бу қадимги фарвардин ойининг биринчи куни ҳисобланган. “Фарвардин” паҳлавийча сўз бўлиб, жаннат маъносини билдиради, яъни ўсимликларнинг ўсиши бошланишини англатади.

Аслида, Наврўз байрами инсоният яшашининг асоси бўлган деҳқончилик ишларини бошлаб беради. Шунинг учун халқимиз уни “Йилбоши” деб ҳам атайди. Йилнинг қандай келиши баҳордан маълум дея бежиз айтилмайди. Деҳқонлар йилнинг қандай келаётганини билиш мақсадида қоронғи жойда буғдойни ундириб кўришган ва буғдойнинг қанча кунда унишига қараб экинларни қайси муддатларда экишни режалаштирган. Ундирилган буғдой майсаси увол бўлмаслиги учун ундан Наврўзнинг тансиқ таоми сумалак тайёрланган. Шунингдек, Наврўз байрамига ялпиз, исмалоқ каби янги унган кўкатлардан сомса ва бошқа таомлар пиширилган. Аёллар бу егуликларни пишираётган вақтда, эркаклар энг шимариб ҳалим тайёрлашга киришган. Бу таомлар қишдан “илиги узилиб чиққан” одамларга дармондори бўлган.

Сумалак, ҳалим тайёрлаш узоқ вақт ва кўпчиликнинг биргаликдаги ҳаракатини талаб қилади. Бу вақтда болалар бобомерос ўйинларни ўйнашган, аёллар лапар-қўшиқ айтишиб, рақс тушишган, эркаклар ён-атрофда кураш, чавандозлик каби мусобақаларни уюштирган. Хуллас, Наврўз халқ сайилига, байрамга айланиб кетган. Байрам авжида олдиндан танланган нуроний деҳқон ерга уруғ қадашни бошлаб берган.

Албатта, Наврўзнинг узоқ йиллик тарихи давомида, ҳар доим ҳам кенг нишонланмаган. Айрим даврларда Наврўзни нишонлаш



тақиқланган. Лекин халқ қайта-қайта Наврўз байрамини тиклайверган. Чунки ҳар баҳорда Ер сайёраси Ҳамал буржига киради, деҳқонлар экин-тикин ишларини бошлашади. Мустақиллик шарофати билан юртимизда 1990 йилдан бошлаб, 21 март дам олиш куни – Наврўз байрами сифатида халқимизнинг сеvimли ва катта тантанасига айланди.

2010 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март – Халқаро Наврўз куни дея эълон қилинди. БМТ тизимидаги ЮНЕСКОнинг 1999 йилда бўлган бош конференциясининг 30-сессиясида 21 март – Бутунжаҳон шеърят куни сифатида белгиланди. Азалдан шоирлар яшариш-янгиланишга, Наврўзга аталган шеърӣ асарлар яратиб келишмоқда. Форс-тожик шоири Фирдавсий (тахминан 934–1030) “Шоҳнома” асарида шундай ёзганди:

Ҳамал буржга кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об...

Шоирлар султони Алишер Навоӣ (1441–1501) бобомизнинг “Ҳар тунунг Қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз” мисрасини кўпчилик ёд билади десак, сира муболаға эмас. Ҳазрат Навоӣнинг қуйидаги байти эса Наврўз моҳиятига бағишланган:

Васл аро кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу
Наврўз.

Хоразмлик таниқли шоиримиз Муҳаммад Ризо Огаҳӣ (1809–1874) қаламига мансуб қуйидаги байт Наврўзни тараннум этади:

Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз,
Келиб қиш фаслин этди ёз Наврўз.

Ҳамид Олимжон (1909–1944) баҳорга ажиб васф ёзганди:

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.

Барча шоирларимизда Наврўз, баҳор ҳақида ғазал-шеърлар бор. Бироқ, “Мана, бугун Наврўзи олам” дея ҳайқирган сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповни алоҳида эсга олишимиз керак. Негаки, 1941 йил 21 март санасида Абдулла Орипов таваллуд топган. Табиӣки, у Наврўзга, баҳорга атаб ажойиб шеърлар, мисралар битган:

Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!

Дейдилар, кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фаровон яшайди. Тилагимиз, Наврўзни катта тантаналар билан нишонлаган халқимиз кейинги наврўзларгача хуррам бўлсин, фаровон яшасин, юртимиз янада гуллаб яшнасин!

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎЗ-ЎЗИМИЗНИ АЛДАШ – ИЙМОНСИЗЛИК АЛОМАТИ



Чорихон Қодиров,
Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши бош ҳуқуқшуноси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши кураш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, республика Коррупцияга қарши кураш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида коррупцияга шароит яратиб бераётган нормаларни аниқлаш юзасидан мунтазам равишда таҳлиллар ўтказиб келишаётганлиги таҳсинга сазовор.

Ўзим ҳам узоқ вақтдан буён бу соҳани кузатиб, ўрганиб келаман, шунинг учун бу борадаги шахсий фикр-мулоҳазаларимни бошқалар билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, бир ёки бир неча нафар жиноятчини пора билан қўлга тушириш "Коррупцияга қарши кураш" дегани эмас. Курашнинг бошқа кўплаб турлари, ҳатто, теша тегмаган усуллари ҳам борки, ҳали уларга ҳеч ким қўл ургани йўқ. Жамиятимизда кенг томир отган турларидан бири - бу, мавжуд сиёсий коррупциядир.

Бу ҳақда бежиз сўз очмадим. Коррупцияга қарши кураш фаолияти билан шуғулланувчи тизим ходимлари бир мансабдор шахсни пора билан қўлга тушириб, гўёки, ўзларини коррупцияга қарши курашаётган ва катта натижаларга эришаётган қилиб кўрсатиб келмоқда. Бундай воқеликларни ёритишга ҳаттоки, оммавий ахборот воситалари ҳам ўрганиб қолишган, шекилли, улар ҳам пора билан қўлга тушган шахс ҳақидаги маълумотларни дарҳол "қоғозга ўраб", башарасини ошкора кўрсатмай, шунчаки, хабарни етказиб қўйишади, холос. Менинг фикримча, бу амалиёт нотўғри.

Юқорида қайд этганимдек, пора билан

ушлаш сийқаси чиққан усул бўлиб, эски "совет машинаси" ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашнинг бошқа усуллари устида эса ҳали ҳеч қайсимиз жиддий шуғулланганимиз йўқ, десам, муболаға бўлмайди.

Коррупцияга қарши тизимли курашиш учун авваломбор, реал ҳаётни, халқ дардини атрофлича, ўрганишимиз, ундан сўнг қонунларга ва уни ҳаётга татбиқ этиш амалиётига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби, таълим, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маъмурий органлар, қурилиш, аграр ва бошқа соҳаларда айрим мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган қилмишлар, уларнинг ўз ваколати доирасидан четга чиқишлари, тобора авж олаётган қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, гуруҳ-бозликларни кўзи очиқ ҳар қандай инсон кўриб билиб турибди. Бунга қарши курашувчи амалиётчиларнинг бугунги ҳаётдан ва халқдан орқада қолаётганлиги ҳам сир эмас.

Айрим мисолларга тўхталиб ўтадиган бўлсам, коррупциялашувнинг чуқур илдиз отган турларидан бири таълим тизими ҳисобланади. Биргина мисол келтирадиган бўлсам, ўқишга кирувчиларнинг "ректор рўйхати" деган тури бор. Бу сиёсий коррупция. Рўйхат орқали ўқишга киритиш коррупциявий ҳатти-ҳаракат ҳисобланади, бироқ, бу ҳолатда эса ҳеч ким пора билан қўлга тушмайди, амалдорларнинг хурматини жойига қўйиш йўли орқали фарзанди ёки "жияъни" ўқишга киритиб қўйилади. Рўйхатдагилар албатта, ўз билими билан ўқиш истагида бўлган, жиддий тайёргарлик кўриб ҳужжат топширган

абитуриентларнинг ўрнини ноҳақларча эгаллайди. Ўқишга киролмаган ҳақиқий билимли абитуриент – ёш авлоднинг биринчи навбатда, давлатга нисбатан ишончни йўқолишига олиб келади. Амалдорларга эса бунинг қизиғи йўқ.

"Балиқ"нинг боши ким? "Балиқ"нинг боши биринчи навбатда, таълим соҳаси, ўқишни битириб чиққандан сўнг, иш берувчи ҳисобланади. Таълим олиш учун ўқишга таниш-билиш орқали кирган шахс ўқишни битиргандан сўнг яна коррупциянинг кучи билан ишга жойлашади. Ўз билими-кучи билан ўқиб битирганлар эса иккинчи даражали масала бўлиб қолаверади... Коррупциялашувнинг кейинги навбатдаги қадами ва тури меҳнат қонунлари орқали амалдорга берилган ваколат доирасидан четга чиқишдан ёки уни суиистеъмол қилган ҳолда фойдаланишдан келиб чиқади. Албатта, бу ваколат эгаси эса иш берувчи деб номланади. Навбатдаги коррупциялашув ваколатдор иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда бошланади. Қарабсизки, амалдорнинг ҳурматига таълим соҳасига ўқишга кирган ва маълум имтиёзлардан фойдаланиб битирган йигит-қиз кўнглидагидек иш билан ҳам таъминланади.



Иш берувчининг ўзига таниш бўлган шахс ёки коррупционернинг фарзандини "ёғли ёки жони тинч" бўлган иш ўрнига тайинлаши ёки жойлаштиришида, унинг ота-онаси билан тил бириктириб, кези келганида бошқа ходимлардан фарқли равишда, "эркалатиб" ишлатиб юришининг ўзида ҳам коррупциялашувнинг аломати бор. Бу ходимнинг ҳар қанча "хурмача қилиқ"ларига нисбатан ташкилот раҳбари томонидан тегишли чора кўрилмаслиги ёки қўлостидагилар ҳам "каттанинг одами" деб, унинг "ҳурматини жойига қўйиб келиши" коррупциянинг бир кўриниши ҳисобланади.

Шарт эмас, доимо амалдорни пора

билан қўлга тушириш, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик асосида масъулиятли лавозимларга жойлаштиришнинг ўзида ҳам коррупциянинг яққол аломати бор. Юқорида қайд этганимдек, раҳбар ўзининг қўл остига қариндошларини, ўзига тегишли бўлган танишларининг фарзандларини ёки яқинларини, куда-андаларини жойлаштириши ҳам коррупция аломати ҳисобланади. Шундай экан, амалда бу тартибга қарши қандай курашилмоқда? Очиги, бунга қарши кураш етарлича йўлга қўйилмаган. Шунинг учун, коррупцияга қарши курашувчи кучлар, тузилмалар бундай иш берувчиларнинг фаолиятини етарлича ўрганмасдан, умумлаштирмасдан, тегишли чора кўрмасдан ҳаётдан орқада қолмоқда. Коррупцияга қарши кураш агентлиги бу мавзуга алоҳида эътибор қаратса давлатга, халққа, Президентга садоқатини намоён қилган бўлар эди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, коррупциянинг яна бир ҳолати — ваколатдан фойдаланиш, унинг доирасидан четга чиқиш ёки уни суиистеъмол қилишда ҳам намоён бўлади. Қайси тизимга қандай ваколат берилган бўлса, шу мансабдорнинг ваколати доирасидаги ишларни қандай бажараётганлиги ўрганилиб, умумлаштирилганда ҳам коррупция аломатларини аниқлаш ва ўз навбатида унга қарши курашиш мумкин бўлади. Яна такрорлашим мумкин, фақат пора билан қўлга туширишнинггина коррупцияга қарши курашилипти, деб бўлмайди. Мансабдор томонидан ўз ваколатидан фойдаланиб, ходимга имтиёзлар яратиб бериши ва ўзига яқин ходимни бошқа ходимларга нисбатан ўзгача сийлашининг ўзи ҳам сиёсий коррупциянинг кичик бир аломатидир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, мактаб директори ўқитувчилар ўртасида дарсларни тақсимот қилишда ўзининг яқинларига ён босиши, таълим мудири, мактаб директорини тайинлашда, кадастр ходими ерларни танлаш, ажратиш ва аукцион орқали сотувга қўйишда, амалдорларнинг югурдаклари "меҳмон"ни кузатишида, амалдорнинг уйига ёки тўйига хизмат қилишда, ҳомийлик қилишида, турли тўловларни амалга оширишда ҳам намоён бўлмоқда. Иш берувчининг ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги нобоп хатти-ҳаракатлари ҳам коррупциянинг белгиси. Ваколати бор иш берувчи эркалатаётган "ишончли ходим"ини истаган вақтда, хоҳлаган вазифасига кўтариб қўйиши ва қўлидан иш келмаса ҳам уни юқори лавозимда сақлаб келиши ҳам коррупциянинг

бир аломати ҳисобланади. Чунки, бу ходим узоқ вақтдан буён иш берувчи - “эга”сининг ўзига ва оиласига хизматини ўтказиб қўйган бўлиши мумкин. Унинг оиласига қилган сарф-харажатлари ва хизматларининг “ҳурмати”га янги лавозимга тайинлаши ёки муносиб бўлмасада, масъулиятли лавозимда сақлаб келиниши ҳам коррупциянинг белгиси ҳисобланади.

Бунинг учун нима қилмоқ даркор?

Президентимизнинг таъбири билан айтганда, биринчи навбатда иш берувчини “ҳалоллик вакцинаси” билан даволаш керак. Қани, қайси иш берувчи идорасида ишлаётган ходимларини кимнинг илтимоси билан бу тизимга олиб кирганини рўй-рост айта олади? Ваколатдор – мен иш берувчиман, раҳбарман, деб истаган ишини қилиши мумкинми? Ваколатдорларнинг, айниқса, погонли раҳбарларнинг бири курсдошини, бири синфдошини, бири олдинги иш жойида бирга ишлаганини, бири шахсий садоқатини намоён қилиб, хизматини қилиб келаётган танишларини, бири яқинларини, қуда-андаларини ишга қабул қилиши ёки раҳбарларнинг бири-биридан “ишончли” ходимларни алмашиши ва жойлаштириши ҳам сир бўлмай қолди. Бу каби касалликлардан воз кечилмаса на иқтисодий ва на сиёсий коррупцияга қарши курашиб бўлади.

Яна бир нарсга эътибор берингизлар. Биринчи ва иккинчи имзо қўйиш ваколати берилган мансабдор шахсларга бу вазифа мулкни ўзлаштириш, талон-тарож қилиш учун берилмайди ёки таниш-билишчилик ва ошна-оғайнигарчилик қилиш йўли билан ходимларни жойлаштириш учун унга ваколат берилган эмас. Шу кеча-кундузда кимда ваколат бор, шунда коррупциявий ножўя хатти-ҳаракат бор. Мамлакатда бу аҳволни ўрганиб умумлаштирадиган, кези келганда умумлаштириб Президент муҳокамасига қўядиган ва мавжуд камчиликларни бартараф этадиган вақт аллақачон келган. Бунинг учун эса аввалам бор, коррупциянинг туб илдизини топиб, чора кўриш учун мамлакатнинг ичидаги аҳвол тўлиқ ўзлаштириб олиниши, маҳаллийчиликнинг, ошна-оғайнигарчиликнинг, таниш-билишчиликнинг туб илдизини аниқлаш керак. Корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар кимнинг авлодига мансублиги ва ким орқали бу тизимга кириб келганлиги, унинг орқасида кимлар турганлиги аниқланиб, унга чек қўйилиши керак.

Ишга киришга талабгор ходимнинг билим

даражаси, эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини бирма-бир чиғириқдан ўтказиб, ҳалол, билимли ходимга ва салоҳиятига яраша иш берилса, ҳалоллик вакцинаси билан даволанган ёки касалланмаган соғлом шахсни танлаб жойига қўйилиши ҳам коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашнинг бир усули бўлар эди, деб ҳисоблайман.

Нима қилмоқ керак? Биринчи навбатда, меҳнат кодексининг “эгаси” сифатида ҳисобланиб турган иш берувчини тартибга солиш керак. Шундай қила оламизми? Афсуски, йўқ. Нима учун? Чунки, бундай механизм мавжуд эмас. Механизм бўлганида, амалиётга жорий қилиб бўлмайди.

Бунинг учун қонунларда иш берувчининг масалани якка тартибда ҳал этиш имкониятларини ва ваколатларини чекловчи нормалар қабул қилиниши керак. Масъул вазифаларга ишга қабул қилиш ёки тайинлаш коллегиал тарзда ва билим савияси ва тажрибаси юзасидан аниқ маълумотлар берилгандан сўнг, зоти-зурриёти яъни, таниш-билишчилик асосида тизимга кириб келмаётганлиги суриштирилгандан сўнг, беғубор шахслар масъулятли вазифаларга қўйилиши керак. Ҳаттоки, битта ғубори бўлса ҳам ваколатли вазифаларга тайинланишига рухсат берилмаслиги керак. Афсуски, меҳнат кодекси учун таклиф қилинаётган бу талабларни Олий Мажлиснинг 2 та палатаси ҳам ўткази олмади. Нимага? Чунки бу қўйилаётган талаблар нихоятда оғир. Бу чиғириқдан ўта олмаган “зўрларнинг” болалари ёки яқинлари учун масъул мансабдорлик вазифалари берилмайди. Уларнинг “оёғи куяди”, унинг олди олинади. “коррупция”ни олдини олишнинг бундай усули кимга керак? Бу саволга ким жавоб беради ва ким унинг механизмини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўша олади?

Энди, қонунчиликдаги бўшлиқларга нисбатан фикр берадиган бўлсам, республикамызда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун бор, лекин унинг ижросини таъминлашда “Ижтимоий шериклик” етарлича йўлга қўйилмаган. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун бор, лекин бу қонунларни амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан давлат органларининг ўртасида ижтимоий шериклик етарлича эмас. Бундай ҳолатда, Президентнинг таъбири билан айтганда, бу қонун ҳали ўз ишини кўрсатиб улгурмасдан эскирмоқда. Бунга ким сабабчи?

Мен бунга биттагина аграр соҳадаги бир қатор қонунлар ижроси бўйича ижтимоий

шерикликнинг ўз ўрнига қўйилмаганлигини мисол қилиб келтирмоқчиман. Бошқа соҳалар ҳам шу каби камчиликлардан ҳоли эмас.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2013 йил 22-сон "Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ва унинг ижроси бўйича муаммолар мисол бўлади.

"Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаби аграр соҳанинг бирорта ҳам тизимида етарлича бажарилмайди. Нима учун бажарилмайди? Бу мазкур Низом асосида тўпланган ҳужжатлар судларда муҳокама қилинганида маълум бўлиб қоладик, унинг тагида ҳам коррупциялашув мавжуд.

Бу соҳада суд амалиёти қандай? Айрим маъмурий ва иқтисодий судларда судьялар киритилган ҳақли даъво аризаларини кўриб чиқишда сусткашликларга йўл қўймоқдалар. Уларнинг қонуний тартибда расмийлаштирилмаган ва мақбул далил деб ҳисоблаш мумкин бўлмаган сохта маълумотлар судга тақдим этилганлигини кўра била туриб, асоссиз даъвони қаноатлантириб бераётганликлари ҳам сир эмас. Нима учун? Чунки давлат органи билан нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик етарлича эмас. Туман кенгаши фермернинг тарафини олиб бирор гап гапирса, дарров уни ишдан бўшатиш чораси кўрилади. Бошқа соҳаларда ҳам шу тариқа иш тутилмоқда. Туман ҳокими бир кишига ер беришни ваъда қилдими, албатта, тегишли ташкилотларга топшириқ бериб, қалбаки бўлса ҳам ҳужжатлар тайёрланиб, фермернинг ерини бошқа шахсга олиб бериш учун даъво аризаси киритилади. Туман прокурори эса сохта ҳужжатлар асосида киритилган даъво аризасидан хабардор бўлса ҳам, унга қанча мурожаат қилсангиз ҳам ваколати доирасида чора кўрмасдан, қўлини қовуштириб ўтираверади. Бунга биз амалиётда кўриб турибмиз. Мақбуллаштириш вақтида қанчадан-қанча фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари поймол қилинган ҳолда ер майдонлари бошқа фермер хўжаликларига ёки масъулияти чекланган жамиятларга ўтиб кетди. Туман ҳокимларининг қарорларига нисбатан ўз вақтида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмасдан қолиб кетди. Протестларни эса номигагина киритиб, ўзини четга олиб турганлари ҳам бўлди. Тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси учун охиригача туриб бермадилар, ҳақиқий чора кўришга

эса киришмадилар. Бунга қўпчилик туман прокурорларининг протестларини мисол келтирса бўлади.

Масалан, Бўка тумани маъмурий суди "Абдупаёз Нуриддин" номли фермер хўжалиги раҳбарининг даъвосини ноқонуний рад этгани учун исбот ва далиллар билан прокурорга ариза бериляпти. Прокурор эса суд қарорини асосли деб топиб, муаллифга рад жавобини берапти. Фермернинг апелляция шикоят, апелляция суди томонидан қаноатлантирилиб, қонуний манфаати тикланди. Бу ҳаракатда ҳам коррупциявий белги бор, чунки "Абдупаёз Нуриддин" номли фермер хўжалигига тегишли бўлган ерларни мақбуллаштириш вақтида олган фермер тиш-тирноғи билан уни ўзида сақлаб қолишга уринган. Бўка тумани маъмурий судининг судьяси прокурорга "ака илтимос, қароримга протест киритманг" деган бўлса, ажабмас. Шунинг учун фермерга рад жавобини берган. Фермердан кўра прокурорнинг олдида судьянинг обрўси каттароқ, кези келганида прокурорнинг ҳам ўзига яраша ваколати бор. Шундай пайтда қонунчилик таъминланиши эмас, прокурор билан судья келишуви амалга ошишини кузатиш мумкин. Мана, коррупциянинг аломатлари нималарда намоён бўлмоқда?

Агар қонунларга нисбатан фикр бериш керак бўлса ЎЗ.Р. МСИЮТКнинг 186-моддасига қаранг, унда даъво муддати уч ой деб белгиланган. Туман ҳокими фермер хўжалигининг ерини ноқонуний тарзда захирага олиб қўяди, фермернинг эса бундан хабари йўқ. Уч ойлик муддатда судга ариза берилмаган, деб суд фермернинг даъвосини тикламай рад қилиш пайига тушади. МСИЮТКнинг саёз жойи шу ердаки, бу кодексда даъво муддати ўтишининг узрли ёки узрсиз сабабларига ёки уни тиклаш асосларига ҳеч жойда тушунтириш берилмаган. Боз устига Олий суд Пленумининг 2020 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарорида ҳам муддат ўтишининг узрлилиги ёки узрсиз деб топилиши учун нималар далил бўлишига шарҳ берилмаган, тушунтириш ҳам берилмаган. Суд кимга ён босмоқчи бўлса шунга қараб қарор чиқариб бераверади. Бунга етарлича далиллар бор. Шунинг учун **ЎЗ.Р. МСИЮТКнинг 186-моддасига даъво муддатини ўзгартириш ва муддатни тиклаш асослари учун қўшимча киритилиши кераклигини таклиф қиламан.** Энг асосийси, ушбу Кодексга даъво муддатини тиклашга асос бўладиган нормаларни, рад этишга асос бўладиган нормаларни ҳам киритиш керак. Токи, судлар

Кодексда ҳам мавжуд бўлмаган нормаларни Пленум қарорига киритмасин. Чунки Пленум қарори ҳам қонуности ҳужжати ҳисобланади. Бугунги кунда эса Кодекс билан қонуности ҳужжати – Пленум қарорини ўртасида тафовут бор. Пленум қарори эмас, қонун устувор бўлиши керак. Судьялар пленумда берилган тушунтиришларни қўллаб, қарор қабул қилишлари натижасида турли норозиликлар, ҳақли эътирозлар келиб чиқмоқда.



Олий суднинг 2020 йил 24 декабрда қабул қилинган 24-сонли қарори ўта сифатсиз. Унда нима дейилади. Қисқача мазмун ҳақида гапираман. Тадбиркорнинг даъвосини қабул қилади, туман ҳокими қарорининг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини муҳокама қилади, қарайдики, қарор ҳақиқий эмас, муҳокама қилиб бўлгач, охирида 3 ойлик даъво муддатини ўтказиб қўйган деб, даъвони рад қилишади. Аслида белгиланган даъво муддатини ўтказиб қўйган бўлса, одамларни сарсон қилиб, ишни охиригача муҳокама қилмасдан, ариза берилган пайтнинг ўзидаёқ уни рад қилиб, ишни ҳаракатдан тугатиб, тадбиркорнинг қўлига ажрим чиқариб берилиши керак эмасми? Муддат ўтган бўлса уни мазмунан кўришдан нима фойда?

Қонунчиликдаги бундай бўшлиқлар ҳам коррупциялашувга йўл очиб берапти.

Бундан ташқари, ФКда ҳам, ЖПКда ҳам, ИПКда ҳам айнан даъво муддатини тиклашга нималар асос бўлиши, узрсиз топиш учун нималар асос бўлишига қонуний ечим йўқ. Судья ўзларига мослаштириб, Кодексларда бўлмаса ҳам Пленум қарорларига умумий тарзда киришиб, шарҳ бериб қўйиш билан чекланмоқда.

Фуқаролик кодексининг 9-бобида шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги нормалар мавжуд бўлиб, 123-, 124-моддалар ўта саёз. Ҳаттоки, ҳали ўз кучини кўрсатмасдан

эскирган. Судлар Кодексдаги белгиланган бу нормаларни амалга оширишдан кўра Олий Суд, Пленуми қарорларидаги кодексларга мос бўлмаган тушунтиришларини қўллаб, даъвони асоссиз рад этиш пайига тушаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бунинг оқибатида халқнинг судлардан норозилиги кучайиб бормоқда. Модомики, ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, илтимос қилган томонга ён босиб қарор чиқариб берилдими, демак, бу ҳолатда судларнинг фаолиятида ҳам коррупциялашув мавжуд эмас деб бўлмайди.

Таклифим. Аввал қонун устувор эканлигини, сўнгра эса қонуности ҳужжати устувор эканлигини судьялар ҳам, бошқа соҳа вакиллари ҳам билиб қўйиши керак. Шундагина суд қарорларига ва ҳукмларига нисбатан норозиликлар камаяди. Қонунчиликдаги бўшлиқлар тўлдирилса коррупциялашувнинг имкон қадар олди олинади.

Тергов ва терговолди масалаларга қарасак, ЎЗ.Р. ЖПКнинг 83-моддасини қўллаб қарор чиқариш, яъни, жиноят иши қўзғатишни рад этиш йўли билан жиноятни яширишга чек қўйиши керак. Терговчининг қарори асосли бўлса, эътироз йўқ. Бироқ, асоссиз бўлса, шу йўл билан ҳам жиноят яширилмоқда ва коррупцияга йўл қўйилмоқда. Бу ҳам коррупциянинг бир аломати.

Кўп гапиришдан кўра, амалиётга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу амалиёт эса юқорида ўтирган корчалонларнинг ўзларига ёқмайди. Олий Мажлиснинг қуйи палатаси бундай қонунларни ишлаб чиқмоқчи бўлса, “тўхта” дейишади. Бундай ҳолатда коррупцияга қарши кураш, давлатчиликни йўлга қўйиш, маъмурий тартиб ва таомилларни йўлга қўйиш бўйича етарли ишларни амалга оширолмаймиз. Ўз навбатида, айнан шу кеча-кундузда олиб бораётган бирорта ишимиз самара бермайди. Қуруққа йиғилиб ва бир-биримизни алдаб, кун ўтказишимизни иймонсизлик аломати деб биламан.

Тан олишимиз керак, коррупцияга қарши кураш бўйича ишлаб чиқиётган қарорларимиз ҳам, амалиётимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Коррупцияга қарши кураш механизмини ишлаб чиқа оладиган ва унга қарши кураша оладиган собитқадам мутахассис-ҳодимлар бор, лекин уларга имконият берилмаса, уларнинг билими ва тажрибасидан ўз вақтида фойдаланмасак, кўзланган натижаларга эриша олмаймиз.

ПРОБЛЕМЫ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ, НЕОБХОДИМОСТЬ ТРАНСФОРМАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВУЗА

Ташматов А. А.,

кандидат экономических наук, доцент, Вице-президент Ассоциации сельскохозяйственных научно-исследовательских организаций Центральной Азии и Южного Кавказа, член Руководящего Комитета Глобального форума сельскохозяйственных исследований для развития, выпускник программы ФЭП Госдепартамента США 2002 г., директор Регионального центра сельскохозяйственных экстеншн услуг.

Проблемы качества образования, необходимость её увязки с научно-исследовательской и консультативно-внедренческой деятельностью в аграрной сфере очень злободневны и актуальны.

Рассуждения об их решении порой очень профессионально подводят к мысли о необходимости дальнейших преобразований и улучшения качества подготовки специалистов владеющих современными методами цифровизации и эконометрики, агрогеномики, геноинженерии и агрологистики и многих других направлений, которые требуют также повышения квалификации профессорско-преподавательского состава, ознакомления их с международным опытом, создания совместных с международными партнерами университетов, институтов, факультетов, отделений и центров по аналогии начавшего свою деятельность международного сельскохозяйственного университета при ТашГАУ с 22 сентября 2022 года в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан при содействии университета Великобритании, созданного по инициативе министерства Сельского хозяйства заслуживает особого внимания.

Данный университет предполагает создание такой системы и дальнейшее её развитие в ТашГАУ, который далее может быть распространён и в другие вузы.

ТашГАУ, будучи одним из ведущих драйверов инновационного развития аграрного сектора Узбекистана готовит специалистов для аграрной сферы, располагает соответствующей инфраструктурой и потенциалом профессионалов профессоров и преподавателей.

По результатам 23 декабря 2022 года в связи с тем, что Ташкентский государственный

аграрный университет вошел в топ - 10 по сельскохозяйственным отраслям на международном уровне и получил статус «репортер» в международном рейтинге «World University Rankings - 2023», были награждены победители конкурса «научное и инновационное признание-2022».



Ташкентский государственный аграрный университет впервые вошел в топ-1000 вузов Азии. Престижная международная рейтинговая организация QS рейтинг университетов Азии на 2023 год опубликовала результаты (QS Asia University Rankings 2023(<https://www.topuniversities.com/university-rankings/asia-university-rankings/2023>)).

По его сведениям, впервые 8 высших учебных заведений Узбекистана вошли в топ-1000 сильнейших университетов Азии. Рейтинг QS в этом году является крупнейшим на сегодняшний день и включает 760 сильнейших азиатских университетов.

Также впервые были введены такие критерии, как академическая репутация и репутация работодателя, количество сотрудников, имеющих докторские степени, а также доля иностранных студентов в качестве ключевых показателей при формировании рейтинга.

Эти результаты могут быть еще результативнее при использовании новых подходов организации научно-исследовательской, образовательной и консультативно-внедренческой деятельности ТашГАУ, о которых хотелось бы подробнее остановиться и поделиться некоторыми мыслями, имеющими основополагающее значение, используя механизмы антикоррупционной составляющей данного подхода.



Так шире используя возможности цифровизации и применения информационных технологий можно достичь планируемого результата в достижении эффективности как в образовательной так и в научно-исследовательской и внедренческо-консультативной деятельности университета.

Введение данного механизма требует мобилизации всех сил и ресурсов, последовательности и исполнительности всех участников и прежде всего ответственных лиц и всего коллектива вуза.

Поэтому принятие решения на высшем уровне вуза в Ученом Совете университета, с последующим административным приказом ректора университета, в данном случае имеет координально принципиальное значение из-за важности данного подхода.

Прежде всего упорядочение положения в учебном процессе с более углублённым преподаванием отдельных дисциплин к которым проявлен большой интерес желающих посещать данные лекции и освоить эти предметы составляющие сердцевину спец. предметов по специальностям, провести такой опрос и создать условия к следованию желающих посещать занятия наиболее профессиональных лекторов с высоким рейтингом оценки со стороны студентов.

Создание условий свободного посещения занятий и планирование их нагрузок с

учетом этих требований с позиции свободы выбора и желания самих студентов носит принципиальный характер и подводит к постепенному переходу к именитой в западных и особенно американских вузах кредитной системе обучения, которая основана на выборе ряда курсов и предметов с её последовательным освоением, результаты которого ложатся в основу собранных кредитных баллов.

Соответственно должным образом этому подходу должна быть и налажена система поощрения и материального стимулирования ведущих профессоров и преподавателей имеющих такой высокий рейтинг, высокий уровень знаний и опыт, систематически работающих над собой и использующих в своих занятиях результаты научных исследований и внедренческо-консультативной деятельности, хорошо знакомых с производственной действительностью.

Одним из важных составляющих в данном процессе занимает вопрос увязки производственной практики студентов с вопросами их участия в консультативно-внедренческой работе служб экстеншн, создание специальных программ по всем специальностям с заключением договоров с передовыми агрокластерами, сельскохозяйственными кооперативами, отдельными крупными многопрофильными фермерскими хозяйствами.

Одновременное выполнение запланированных научно-исследовательских работ включенных в программы исследований кафедры и факультетов предварительно обозначив горизонты и координаты научных работ перечень тем и их исполнителей, все эти действия должны быть в приказном порядке узаконены по университету и иметь под собой соответствующее основание.

Так к примеру закрепление научных тем и выбор направлений специализации, научных руководителей, приобщение к коллективной научно-исследовательской программе университета всех студентов начиная со второго года их обучения является весьма перспективной стратегически важной с далеко идущими последствиями шагами в деле повышения качества как научно-исследовательской так и образовательной и консультативно-внедренческой деятельности в целом как всего университета, его факультетов, кафедр, так и отдельных исследовательских групп и лиц.

Данный подход позволит увеличить количество участников научно-исследовательской и внедренческо-консультативной деятельности, качественным результатом может стать уровень вовлечения все большей талантливой молодежи в научно-исследовательскую деятельность, укрепит школы ведущих ученых университета, позволит эффективнее проводить процесс коммерциализации научных исследований, вовлечь их также и в внедренческо-консультативную систему экстеншн, благодаря которой будет развиваться процесс инновационного развития сельского хозяйства сближения ученых с производителями фермерами и кластерами и агро кооперативами.

Благодаря чему в перспективе будут создаваться условия сближения трех составляющих её звеньев данного процесса образования, науки и экстеншн по образу американской университетской системы экстеншн широко распространенной в лэнд грант университетах США. Экстеншн это понятие внедренческо-консультативной деятельности широко распространенное в мире.



Это университеты получившие по акту 1832 года земельные наделы для своего развития, использования в целях аграрного образования, науки и экстеншн укрепления фермерства.

Данная система оправдала свою цель и эти государственные университеты во всех штатах США располагают мощной базой и находятся в центре развития сельской местности регионов США.

Также лэнд гранд университеты США используют систему экстеншн в научно-образовательной сфере в тесной связи и имеют при госдепартаменте США по сельскому хозяйству поддержку данных программ по

всей стране, выделяя средства для ее развития как с федерального бюджета, так и с местных бюджетов муниципалитетов, формируемых деятельностью фермерских хозяйств.

Главным движущим элементом в этой системе университетской системы экстеншн является участие студентов, магистрантов и докторанов вместе со своими менторами-научными руководителями, осуществляющие вопросы внедрения инноваций в фермерских хозяйствах совместно с муниципальными подразделениями служб экстеншн на местах в глубинках штатов, где они приближены к тем условиям реалий фермеров, специалистов местных служб экстеншн и локальных научно-исследовательских станций в отдаленных регионах штатов с которыми у них тесная связь и сотрудничество.

Данные станции располагают соответствующей инфраструктурой и совместно с муниципальными офисами служб экстеншн на местах проводят также большую социально просветительскую деятельность по обучению фермеров, их семей как обязательной составляющей их деятельности.

Вся эта деятельность прозрачна, транспарентна и эффективно работает ввиду соответствующего внимания со стороны государства и местного самоуправления в США.

Такой опыт для современного развития Узбекистана имеет принципиально важное значение и должен быть соответствующим образом изучен и использоваться при содействии аграрных вузов страны под руководством его ведущего драйвера ТашГАУ. Именно в этой связи университет наладил свои контакты сотрудничества после встречи Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в США в 2017 г. с университета Миссисипи обратились с предложением данного сотрудничества с ТашГАУ.

Предстоит в этом направлении поработать с партнерами возможности подготовки специалистов по экстеншн службам, создав в структуре университета подразделение в этом направлении, которая будет вплотную заниматься этими вопросами, используя её позитивное воздействие на результаты научно-исследовательской деятельности студентов.

Конкретное закрепление студентов бакалавриата с 2 курса за научной тематикой выполняемой кафедрой, вовлекая в процесс всех, принимая решение кафедры, с соответствующими распоряжениями по факультетам и университету, исходя из желаний самих

студентов и рекомендаций кураторов групп, ведущих преподавателей и профессоров с предварительным обсуждением на коллективных собраниях академических групп с участием научных руководителей, кураторов и ответственных лиц за научно-исследовательскую деятельность, а также отдельных инициативных автономных групп исследователей, принимающих участие в работе исследовательских проектов перспективных тем исследований университета в межуниверситетских и других программах.

Весь данный процесс должен быть задокументирован и внесен в систему базы данных научного и учебного отделов университета в единой сети, должен быть также внесен в вузовский сайт, где при необходимости можно будет отслеживать все достижения каждого студента и исследователя, начиная с 2 курса до окончания университета при поступлении в магистратуру и докторантуру впоследствии.

Поиск информации о теме исследователя и его исследовательской группы, которая может включать информацию с момента начала участия студентов с 2 курса бакалавриатуры, отчеты по теме исследований, отчеты по результатам годичного цикла работ с участием студентов в соответствующих производственных практиках, полевых исследованиях и лабораторных наблюдениях, все первичные документы в сканированной форме и форматах PDF должны быть в приложениях данной базы. А подлинники должны храниться на кафедрах и по истечении сроков хранения сдаваться в установленном порядке в архив вуза.

Выполнение работ в порядке пирамиды действий имеет под собой далеко идущие последствия с участием студентов, магистрантов, докторантов, обеспечивая последовательность и приемственность как исполнителей участников, так и руководителей всех взаимосвязующих уровней в данной иерархии совместной работы, которая как бы является связующей и объединяющей формулой алгоритма действий команд исследователей, возглавляемых ведущими учеными университета.

Важно также соблюдение обязательных общих защит отчетов с участием руководителей научных тем и программ с соответствующей оценкой исполнителей программ по производственным практикам на Научном Совете кафедр и факультетов или специальных комиссиях по результатам производственных практик как к механизму, имеющему решающее значение в проблеме обязательной

последовательности исследовательской работы, проведения экспертиз, наблюдений и анализов минимум трехлетнего материала исследований.

Все вопросы проведения производственных практик с участием студентов, магистрантов, докторантов в данном процессе носит системный характер и требует весьма тщательной организации и предварительной подготовки методики исследований в увязке с программой производственной практики. Более того, все атрибуты средств необходимых для этого, включая производственный инструментарий, оборудования, сельскохозяйственная вспомогательная техника и их обслуживание на местах должны быть предварительно подготовлены и соответствовать требованиям.

Проведение практик должно находиться под пристальным контролем научных руководителей практик и отслеживаться во время их проведения. Выполнение программ практики, составление отчета о проделанной работе, отражение полученных результатов и наблюдений, а также ее презентация с защитами отчетов также носит весьма важный характер в ознакомлении с опытом других студентов, взаимобмену информацией и результатами работ.

Проведенные монографические исследовательские работы во время производственных практик должны отражаться в выполненных ими научно-исследовательских заданиях и планах, включающиеся в годичные отчеты студентов, магистрантов и докторантов, будут служить базой и основанием в выполнении научно-исследовательской работы.

Изучение основной и дополнительной теоретической литературы по темам исследований взаимодополняя отчеты в обосновании актуальности выполняемой темы исследований. Важным составляющим элементом в этом является самостоятельность работы, общение с производственниками, изучение реалий производства, выработка собственных убеждений, знаний и навыков в избранной профессии.

Весь этот процесс требует творческого участия и внимания, создаёт для студентов дополнительные заботы и проблемы, которые важны при формировании будущего специалиста, выработке навыков к исследовательской работе, поисков путей к освоению инноваций, изучению опыта, экспериментированию, попытками познать и научиться новаторскому

подходу к своей будущей специальности.

Так, начиная тематику исследовательской работы с 2 курса под руководством научного руководителя, приобщаясь с соисполнителями темы третьего и заключительного четвертого курсов, обучающихся в последовательной цепочке участников, включая магистрантов и докторантов, работающих по данной тематике под руководством ведущих учёных университета на протяжении многих лет исследований в основе их работ являются результаты их исследований с возможными отклонениями различий в факторах воздействия согласно методик исследований предварительно принятых для необходимого выполнения итоговых работ с ожидаемыми гипотезами теоритического обоснования данной научной темы исследований ранее обоснованными научными исследованиями.

Возможны так же различные комбинации межкафедральных и межкафедетских, межвузовских тем и программ исследований имеющих отраслевое производственное значение в целом для народного хозяйства всей экономики сельского хозяйства.

Таким образом, весь процесс от утверждения тем и включения в исследовательские группы, руководимые ведущими учеными и специалистами университета, ежегодные отчеты и полученные результаты, статьи опубликованные в научных журналах, курсовые работы и итоговые дипломные квалификационные работы, магистерские диссертации и докторские диссертации будут прикрепляться в приложениях данной базы данных.

Это позволит полностью искоренить сплошной плагиат работ и качественно повлиять на творческий подход к данной деятельности, составляющей начальную базу деятельности будущего ученого специалиста. Вести регулярный мониторинг, контроль и оценку данной деятельности.

Данная база постоянно обновляясь должна находиться в поле зрения соответствующих отделов университета ответственных за эту работу в целом: учебной части, отдела науки, магистратуры и докторантуры.

Строгое соблюдение всех требований и процедур ведения данной базы данных будет обеспечивать прочную базу для управления данным процессом. Выявлять самые активные исследовательские группы исследований, выявлять проблемы негативно влияющие на организацию научно-исследовательской

работы университета в разрезе факультетов и кафедр и отдельных тем исследований, определять приоритеты исследований. Направлять усилия и вносить соответствующие коррективы в ходе выполнения научных программ исследований.

Наличие всей необходимой информационной базы каждого исследователя индивидуально также имеет важное значение в выборе дальнейшей профессиональной ориентации студентов и их будущего, а также в отборе наиболее талантливой молодежи.

Необходимость трансформации управления Научно-исследовательской и образовательной деятельности Университета в свете произошедших недавно изменений, создания Постановлением Президента в ее структуре нового международного сельскохозяйственного университета требует внесения соответствующих изменений при её реорганизации создания новой структуры в виде сельскохозяйственной академии по аналогии опытов Тимирязевской сельскохозяйственной академии в г. Москва Россия и Булорусской сельскохозяйственной академии в г. Горки Белорусии с изменениями ее состава и новых задач определенных данным Постановлением Президента.



Также в состав нового Ученого Совета включение членами руководителей НИИ и центров, включая новую структуру на территории вуза Центра геномики и биоинформатики АН Узбекистана, позволит лучше координировать и планировать научно-исследовательскую работу в тесном контакте и участии ведущих НИИ и центров в деятельности ТашГАУ.

В данном случае возможности использования инфраструктуры и научного потенциала одно из ведущих центров Узбекистана, использующих современные методики и подходы в исследованиях, распо-

лагающие современными условиями и кадрами, владеющими генноинженерией и биоинформатикой тесно связанной с сельским хозяйством.



Данный центр был создан в 2012 году, организован на базе Центра геномных технологий Института генетики и экспериментальной биологии растений Академии Наук Республики Узбекистан совместным приказом Академии наук Республики Узбекистан, Министерства сельского и водного хозяйства и ассоциации “Узпахтасаноат” (№10/2, 70, 49 от 18 апреля 2012 года) и протокольным решением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 72 от 20 апреля 2012 года.

Новым совместным приказом Академии наук Республики Узбекистан, Министерства сельского и водного хозяйства и ассоциации “Узпахтасаноат” №14/2, 20, 11 от 31 декабря 2015 года Центр геномики и биоинформатики стал подведомственным только Академии наук Республики Узбекистан.

С целью дальнейшего развития геномики и биоинформатики было издано Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 февраля 2017 года № ПП-2769 «О дополнительных мерах по развитию фундаментальных и прикладных исследований, а также инновационных работ в области геномики и биоинформатики».

Основными направлениями исследований которой являются:

- проведение фундаментальных, прикладных и инновационных исследований, посвященных комплексному анализу геномов и генетических разнообразий, структуры и активности ценных генов, белков и метаболитов сельскохозяйственных культур, лекарственных и технических растений, микроорганизмов, животных, человека, а также других биологических объектов с использованием современных методов геномики и биоинформатики;

- разработка программ по современной генной и клеточной инженерии, геномной и виртуальной селекции, основанных на молекулярных маркерах и создание на их основе безопасных для окружающей среды и человека, устойчивых к вредителям и болезням, приспособленных к различным почвенноклиматическим условиям новых сортов растений и пород животных, организация первичного семеноводства, а также испытание в различных условиях и внедрение результатов научных разработок в производство;

- сертификация генетически модифицированных организмов и их продуктов, проведение первичного лабораторного тестирования, координация деятельности тестовых лабораторий в республике, работающих в этом направлении;

- дальнейшее расширение взаимовыгодного международного сотрудничества в области геномики и биоинформатики, подготовка для отрасли кадров и постоянное повышение их квалификации совместно с высшими образовательными учреждениями и научными организациями республики и зарубежных стран. (<https://genomics.uz/istoriya-centra>).

Учитывая наличие данной базы и квалифицированных профессиональных кадров, при правильном использовании возможно создание на этой базе нового факультета агрогеномики и биоинформатики ТашГАУ и соответствующим Постановлением Президента начать подготовку национальных кадров для всего региона Центральной Азии и Южного Кавказа, а также ближнего зарубежья.

Эта новая специальность также будет своеобразной визитной карточкой Ташкентской сельскохозяйственной академии для дальнейшей перспективы её развития как флага аграрных вузов.

Наряду с этим ТашГАУ в настоящее время необходимо предусмотреть и создание прочной базы для научно-исследовательской деятельности в подготовке специалистов для отрасли. Основная часть внимания здесь, наряду с теоретическими исследованиями, должна быть уделена проведению производственной практики и участия студентов, магистрантов и докторантов в консультативно-внедренческой работе службы экстензии по опыту ведущих университетов мира.

Здесь велика роль также сближения вуза с НИИ и центрами, тесного их сотрудничества и непосредственного участия руководителей НИИ и центров в работе Ученого Совета университета.



Будучи членом Ученого Совета директора НИИ и центров будут участвовать в обсуждениях отчетов о деятельности и утверждении научных тем, проблем совместной работы и эффективного выполнения НИИ программ.

Участие в данном процессе всех студентов, магистрантов и докторантов университета значительно преумножит их возможности и опыт участия в научно-исследовательской деятельности.


В свою очередь, НИИ получают возможности для отбора и воспитания молодого пополнения своих рядов, приобщаются к образовательной сфере и находят точки соприкосновения. Все факультеты и спец. кафедры будут иметь свои опорные базы и по аналогии медицинских вузов кафедры будут дислоцироваться в НИИ и центрах. Лекции и практические занятия этих кафедр будут проводиться в обязательном порядке в самих НИИ и центрах в специально оборудованных учебных помещениях и лабораториях с участием самих студентов при работе на местах.

Таким образом, в ТашГАУ создаётся претендент создания очень солидной авторитетной научной структуры высшего уровня и среды, где принимаются стратегически важные решения по взаимосодействию и взаимодействию вуза с ведущими НИИ и центрами, и перспективами его развития в решении совместными усилиями задач поставленных Президентом страны.

Этот уровень соответствует новой структуре создания новой Ташкентской сельскохозяйственной академии, третьей на постсоветском пространстве после

Тимирязевской Московской и Белорусской сельскохозяйственной академией.

СПРАВОЧНО: В Инновационном центре «Сколково», Технопарк «Сколково» действует Школа по биоинформатике для агрогеномики и селекции растений с 2017 г. Организованная кластером биологических и медицинских технологий Фонда «Сколково», компанией F1 Genomics и Открытый университет Сколково для представителей селекционных компаний и молодых ученых первую Школу по биоинформатике для агрогеномики и селекции растений.



Школа представляет собой курс лекций и уникальных практических занятий от ведущих учёных и экспертов в области геномного анализа.

Целевая аудитория: студенты и аспиранты, специалисты в области биологии, генетики, селекции и смежных дисциплин, сотрудники R&D подразделений агрохолдингов, инновационных биотехнологических проектов, биотехнологических компаний, сотрудники компаний-участников Кластера биомедицинских технологий Фонда «Сколково» и соискатели статуса участника проекта «Сколково» по направлению «биотехнологии в сельском хозяйстве и промышленности».

Программа Школы нацелена на применение статистических методов для анализа генетических данных, по-этому основным критерием отбора для организационного комитета стало наличие навыков использования прикладной статистики и понимание количественной генетики (SNP).

Более подробная информация о школе по ссылке:

<http://sk.ru/opus/p/smartagro2017.aspx>

ГУРУЧ ҚОБИҒИ... ЧИҚИНДИ ЭМАС, АРЗОН ЕМ МАҲСУЛОТИДИР



Ҳозирги пайтда дунё бўйича энг долзарб мавзу шубҳасиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаласидир. Албатта, инновация бунда муҳим роль ўйнайди.

2021-йил республикамизда “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025-йилларда устувор ривожлантириш концепсияси” тасдиқланган эди.

Шу муносабат билан уюштирган суҳбатимизнинг бу галги меҳмони аграр соҳада инновацион ғоя — гуруч чиқиндисидан ем маҳсулоти — CBFeed (Completed Bio Feed) яратиб, ҳозирда яна янги ғоялар устида илмий изланишлар олиб борётган тадбиркор Аброр ака Дадахўжаев бўлди.

— Ассалому алайкум, Аброр ака, дастлаб ўз фаолиятингизнинг қисқача тарихига тўхталсангиз.

— Авваламбор таҳририятга таклиф этганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман. Фаолиятим тарихи дастлаб 1996 йилда

асосан озиқ-овқат маҳсулотларини хориждан келтириб, ички бозорга етказиб берувчи “АЙТ-IND” Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасида директорлик лавозимидан бошланган. 1999 йилда “Олмалиқ уй-жиҳоз” фирмасида директор, 2000 йилда эса қўшимча тарзда мебелсозлик бизнесини йўлга қўйганман. Ҳозирда “Art Mebel group” компаниясида таъсисчи ҳамда директорлар кенгаши раҳбари сифатида фаолият юритаман. 2008 ва 2012 йиллар ҳаётимда энг катта бурилиш ясаган десам, муболаға бўлмайди, яъни Ўзбек-Япон маркази (UJC)нинг 6 ойлик ўқув курсида иштирок этишим ва ушбу марказ томонидан саралаб олинган ўзбек бизнесменлари қаторида Японияда бўлишимдир. У ерда биз япон мегакомпанияларига ташриф буюриб, уларнинг фаолиятдан керакли билим ва тажрибалар олганмиз. Ўзбекистонга қайтгач, япон технологияси асосида мевани қайта ишлаш заводини курдим. Хўл мевалар ва полиз экинларидан, жумладан қовун мураббоси, қовоқ повидлосини ва ҳар-хил новвот турларини ишлаб чиқариб АҚШ, Германия ва МДХ давлатларига экспорт қилганмиз.

— Агросаноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг аҳамияти тўғрисида айтиб ўтсангиз.

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда, масалан, қовундан ўртача 40%, олмадан 35% гача чиқинди ортади. Ишлаб чиқариш жараёнида тонналаб чиқинди (органик маҳсулот) тўпланиб қолади. Ўша пайтларда уларни қайта ишлаш ғояси менда пайдо булган. Ушбу чиқиндиларни қуриштириб, сақлаб қолиш мақсадида турли тажрибалар қилиб кўрганмиз. Ушбу илмий ғояни Гуруч чиқиндисини қайта ишлаш ғояси Омонулла Султонхўжаевга тааллуқли бўлиб, у билан ҳамкорликда иш олиб борганмиз. О. Султонхўжаевнинг саъйҳаракати асосида гуруч уни ва чиқиндисидан қорамол учун ўртача ем турига кирувчи маҳсулот яратилди.



Маълумки, гуручдан 20% қобиқ, 10% гуруч уни ва бошқа чиқиндилар чиқади. Дунё тажрибасида гуруч унidan косметология, қан-долатчилик ва ёғ олишда фойдаланилиши, қобиғи эса қайта ишланмаслигини кўрдик (ёқиб юборилади ёки қорамол тагига ташланади). Дунё бўйича энг кўп гуруч етиштирадиган мамлакатлардан бири, Ҳиндистонда йилига 177 млн. тонна гуруч экилади. Шундан 35 млн. тонна атрофида чиқинди ажралади. Уни ташиш ва йўқ қилишнинг ўзи жуда катта харажат. Унинг 100 тоннаси учун 10 та, 1000 тоннаси учун 100 та вагон керак дегани. Шунинг учун аксарият ҳолларда очиқ далада ёқиб юборилади. Бу эса атроф-муҳит экологиясига зиён келтиради. Гуруч қобиғида кремний кўплиги боис у жуда майда зарраларга бўлиниб ёнади. Унинг ёқирилиши шу атрофда яшовчи инсонларда силикоз касаллигини келтириб чиқаради. Ёқиш жараёнини филтрлаш ҳам жуда қimmatга тушади. Гуруч қобиғи 3 йилгача чиримаслиги боис уни ўғит сифатида ҳам ишлатиб бўлмайди.

Дастлаб микробиология лабораториясини курдик. Гуруч уни қimmat, қобиғи арзонлигини ҳисобга олиб бутун изланишимизни шунга қаратдик. Омонулла Султонхўжаев яратган ғояъни бугунги замонга мослаштиришга ҳаракат қилдик. Бунга бизнес нуқтаи назаридан ёндашдик.


Яна бир йил шу иш устида изланиб, турли хил тажрибалар ўтказдик.



— CBFeed нафақат юртимиз, балки дунё иқтисодиётида қанчалик аҳамиятга эга?

— Маълумки, дунё мамлакатларида гуручни қайта ишлашда жуда катта миқдорда чиқинди ажралади. Ўзбекистонда йилига 300 минг тонна гуруч етиштирилса, дунёда бу борада Хитой ва Ҳиндистон етакчилик қилади.

2019 йилда CBFeedни яратиш устида катта тажриба ўтказдик. Ушбу ем маҳсулотини нафақат қорамолчиликда, балки, уни паррандачилик, қўйчилик ва балиқчиликда ҳам фойдаланиш йўлини топдик. Яратган ихтиромиз учун жаҳоннинг 30 та давлатидан патент олишга муваффақ бўлдик. Мамлакатимизда етиштириладиган гуручдан жами 60 минг тонна чиқинди пайдо бўлади. Шу чиқиндини тенг ярмини биз яратган маҳсулот — CBFeed га айлантирадиган бўлсак, ем ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган шунча миқдордаги дон, соя шроти каби ем хомашёсини тежаб қоламиз. Ушбу маҳсулотимизни гуруч етиштирувчи дунёнинг исталган давлати ўзининг ички ресурсидан келиб чиқиб, ишлаб чиқара



**COMPLETE
BIO
FEED**

Global Solution For Global Pollution
cb-feed.com

олади. CBFeed маҳсулотидан ем (комбикорм) ишлаб чиқариш жараёнида ушбу технологиямиз асосида гуруч чиқиндиларини 100% ем маҳсулотига айлантиришимиз мумкин.

— **Айтингчи, ушбу ем маҳсулоти чорвачилик тармоқларида қандай самара беради?**

— CBFeed — ферментатив фаол ем маҳсулоти бўлиб, талабга жавоб берувчи озиқалар билан тўғри рационда берилса, қуйидаги асосий хусусиятлари билан изоҳланади:

1. Ферментатив фаол ем маҳсулоти — чорва ҳайвонларига берилган озуқани яхши ҳазм бўлиши, организмга яхши сингишини таъминлайди.

2. Пробиотиклик хусусияти — у ошқозонга

тушгач, унинг деворларини эгаллаб, ҳар хил касаллик вирусларидан ҳимоя қилади. Берилган дорининг таъсирини яхшилайди. Бу эса қўшимча хусусиятларни келтириб чиқаради (паррандачиликда фойдаланилганда табиий ўлиш цикли 3% га тушгани қайд этилган).

3. Стабилизаторлик хусусияти — берилган емдаги органик моддаларни стабилизация қилади. Масалан, ҳазм бўлишида ёғлилик даражаси меъёридан кўп бўлса туширади, кам бўлса уни кўпроқ сингдириш билан меъёрга келтиради.

CBFeed маҳсулоти ем таннаrxини туширади, чорвачилик тармоқларида охириги ем маҳсулоти нархининг пасайишига ҳам сабаб бўлади.



Гўшт маҳсулотларини етиштиришда энг асосий омил бу – ем. Ем нархининг тушиши эса чорвачиликда муҳим ҳисобланади.

Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Асосий режамиз хорижий давлатларда ҳам яратган технологиямизни намоиш этиб, кенг жорий этилишини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, олма мевасининг фойдали органик чиқиндиларидан ҳам ем маҳсулотлари яратишни ўз олдимизга мақсад қилганмиз.

— Суҳбатлашгани вақт ажратганингиз, фойдали маълумотларингиз учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Халқимиз учун манфаатли бўлган бундай ихтиролардан янада кўпини кутиб қоламыз.

Жўрабек Сирождидинов,
ўз мухбиримиз.

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИДАН ОЛАМ ЯШАРАР

Шукуржон Жаббарова,
ўз мухбиримиз

Шовот тумани серқуёш Ўзбекистонимизнинг энг чекка туманларидан биридир. Фаолиятим давомида жуда кўп жойларда бўлдим. Бироқ туғилиб ўсган гўшам, она маконим Хоразм вилоятининг Шовот тумани кўзимга кун сайин бошқача кўринади. Бу ер одамларининг меҳри, шижоати, меҳнатсеварлиги, содда ва бир сўзлигига кўз тегмасин.

Кузнинг сўнгги кунлари гўё бир тутамдай. Лаҳзада тонг отади, дарров кун ботади. Кимдир коинотимизда вақт қисқаряпти, деб жар солади. Вақт қисқаргани йўқ, бироқ алданишга, оввора бўлишга кенг имконият бор. Телефон, интернет, компьютерлар ҳамма нарсанинг ўрнини босиб, вақтимизни олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Келинг, мавзудан четлашмасликка ҳаракат қилайлик. Болалигимдан то ҳозиргача менинг ўша ўтлаб бошқа саҳифаларга ўтиб кетадиган томонларим йўқ эмас. Узр, азизларим. Кузнинг тилло сирғалари, кумуш балдоқлари жилвасини унутиб бўладими? Дарахтларнинг сариқ ёки қизғиш ранг тортган япроқлари ер юзини аста-секин қопламоқда. Бу йилги куз иссиқ келганлиги боис тўкилмаган барглар кўриниши ғоятда гўзал манзара касб этди. Қизғиш япроқлар кўзни олади. Айниқса жамолини илоҳийлик билан кўз-кўз қилаётган боғларни куз кўксидан ураётган юракка ўхшатгим келди. Бирам сокинки, шитирлаган овозларга чўмилаётган куз саҳни дилни сеҳрлайди.

Сокин куз бўшатар йўлини қишга
Ҳадемай дарахтни қор парча қучар.
Кечиккан қушчалар тушар ташвишга
Оҳиста совуқдан жунжикиб боқар.

Боғларнинг бағрида сукунат ҳоким
Орзуланиб кирар тонг оғушига.
Уйқуда ерга банд анжиру узум
Баҳорлар киради ҳар он тушига.

Шеърни давом қилдиравериш мумкин, айни дамда шовотлик томорқачилар фаолиятини журналимизда ёритмоқни истадик. Қишлоқда яшайсанми, ер экиб, боғ ярат, сендан келажак рози бўлсин. Мухбирнинг иши йўл давомида бажариладиган юмушлардан, кўрганларини қоғозга банд қилмоқдан иборат.



Хоразм вилоят ҳокимининг топшириғи билан “Уй, дала томорқаларидан фойдаланиш билан бирга иссиқхоналар ишини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш” юзасидан Хоразм вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Анвар Хўжаев, Хоразм вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Шавкат Ибрагимовлар иштирокида семинар бўлаётган бинога кириб бордик. Семинардан

кейин Қиёт маҳалласидаги иссиқхоналар фаолияти бирма-бир ўрганилди. Шу қатори ҳудудларга вакиллар чиқарилиб, томорқа ишлари ўрганилди. Бекор қолган, қурилгану ишлатилмаётган иссиқхоналарни қайта тиклаш, керакли ёрдамни уюштириш учун чиққан фаоллар бир неча кун давомида ишни йўлга қўйдилар.

— Маҳалламизда 10 та кўчада 815 хўжалик, 3972 нафар аҳоли, 1026 та оила истиқомат қилади, — дейди Қиёт маҳалла фуқаролар йиғини раиси Давлатёр Аҳмедов. — Бу оилалар қарамоғида 50 дан зиёд иссиқхона мавжуд.



Шовот туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Шухрат Абдурахимовлар билан биргаликда энг намунали томорқачи Муборак Йўлдошевнинг хонадонида бўлдик. 200 сотих жойни эгаллаган мўъжазгина иссиқхонада етарли шароит яратилган. Кўм-кўк кўкатлардан тортиб помидор, бодринг, болгар қалампери, брокли карамигача бор. Оила йилига 25-30 млн. даромадни шу иссиқхонасидан топади. Уч фарзанд, бир келиннинг онаси, 9 неваранинг бувижони Муборак Йўлдошева томорқа ишини йўлга қўйганлигидан жуда хурсанд.

— Уйда ҳамма нарсани табиийсини ўз қўлинг билан етиштириб, қўшни, эл, болаларга улашганга нима етсин? Яна олинадиган даромад хўжаликка катта ёрдам бўлади. Бозорда табиийдан кўра сунъий маҳсулот кўпайиб кетди, ошиғидан кўп кимёвий дори қўшиб етиштирилган маҳсулот халқ соғлиғига кони зиён, — дейди Муборакхон.

Келинг, тарихга бир назар ташлаймиз. Ўтган асрнинг 70 йиллари Шовот деҳқонлари учун айниқса баракали бўлганини унутмаймиз. Маърифат ва маданиятни қадрлаган забардаст ирригатор, муҳандис Раҳим ота Тоҳиров раҳбарлигидаги даврлар. Бир томонда ижтимоиятлик раис Қўчқор Қуронбаев, иккинчи томонда беш-

мерганлик раис Аҳмаджон Абдуллаев, Эшвой чўлларини обод айлаган Зариф Раматовлар даврнинг пешқадамлари эдилар.

1955 йилларда Роят қишлоғида “Ленин” колхозни раиси Худойберган Абдуллаев илк бор хутор қишлоқлар ўрнига узун ва кенг кўчалар яратиб, боғ-роғларни кенгайтирган. Яна шуниси билан танилган эдики, илк бор маккажўҳори экиб, ҳаммани ҳайратлантирган. Айтиларича ўша даврда “Худойберган раис “от тиши” экибди!”, — деган гап ҳамма жойга тарқалган экан. Худойберган ака, Аҳмаджон ака каби жаннатий инсонлар изи обод, улардан боғлар, касб фидойиси бўлган шогирдлару, фарзандлар қолди. Бугун Аҳмаджон Абдуллаевнинг шогирди, кекса отахонимиз Рўзимбой Отажонов ўтган даврларни кўп хотирлайди. Маълумки, Аҳмаджон ака илк бор Шовотда картошкачиликка асос солиб, Хоразм шароитида ёз фаслида картошкадан мўл ҳосил олди. Таъми ширин, тотли эди, гўё Шовот каналининг лойқа сувлари ифор таратаётгандай субҳий эди!

Рўзимбой ота устозлар ишини давом қилдирди, кўп йиллар жамоа хўжалиги раиси бўлиб, ободончиликка, боғдорчиликка эътибор қаратди. У Шовотда илк иссиқхона қурилишини бошлаб берди. Раислик даврида бир гектар ерда иссиқхона қурди. Бугун кексалик чоғида ҳам тиним билмаётган отахонимиз қишин-ёзин хонадонидаги иссиқхонадан чиқмайди.

— Баъзан одамлар кексаликда зерикадилар. Боғни севган, ўсимлик ва гулларни хушлаган одам зерикмайди. Боғбонларга зерикиш бегона. Улар она табиат қўшиғини тинглаб яшайдилар. Қишда уйқуга кетган далаларни, баҳорда дала, боғларнинг уйғонишини, ёзда етилишини, кузда йиғилишини тинглаб билган деҳқон юраги қўрли, саодатли ва қўллари ҳайрлидир. Рўзимбой ота гўзалликка ошуфта ҳаёт кечиради. Бир қатор табиий кўчатлар... Яна бир қатор субтропик кўчатлар... Лимон кўчатлари... Ҳиндистоннинг шифобахш ўсимликларидан папайя, мандарин ва бананнинг 12 тури, манго, киви, апельсин. Агава, бегония, монтеро гуллари.. Қарангки, сувда ўсадиган нилуфар гуллари ҳам етиштирилмоқда. Ранглар, ифорлар оламига киргандек бўласиз. Табаррук ерни зиёбахш айлаган деҳқон қўллари боракот уруғини сочаверади. Олам гўзаллигини деҳқон ва табиатни севувчи диллар яшартиради.

БОШҚАРУВ

ВА УНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖИХАТЛАРИ

А.А. Мадалиев,

Тошкент давлат аграр университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

Аннотация. Бошқарув тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ҳар бир жамиятнинг олдида турган энг долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундоқлигича қолмоқда. Уни ҳар жиҳатдан ривожлантириш борасида тадрижий равишдаги изланишлар олиб борилмоқда ва шу куннинг ҳам муҳим масаласи сифатида эътироф этилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарор суръатларда ўсишини таъминлашда бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш, инсон омилини фаоллаштириш борасидаги айрим жиҳатлар хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: бошқарув, инновацион фаолият, сифат, меҳнат унумдорлиги, ходим, инсон ресурси, инсон омили, инсон омили фаоллиги, меҳнатни интеллектуал бошқариш.

Бошқарув – даврлар силсиласида шаклланиб, ривожланиб келди. У ибтидоий тузум давриданоқ бошланган. Ибтидоий жамоа тузуми босқичида ҳамкорликдаги меҳнатни тартибга солиш ва ташкил этишнинг ибтидоий шакли вужудга келди. Бунда бошқарув вазифалари уруғ, қабила ва жамоанинг барча катта ёшли аъзолари томонидан амалга оширилган. Уруғлар ва қабилаларнинг оқсоқоллари ҳамда йўлбошчилари ҳамкорликдаги меҳнат ва маҳсулотларни тақсимлашнинг дастлабки бошқарув тимсоли эди.

Бошқарувнинг чегаралари, унинг мазмуни, мақсадлари ва тамойиллари ҳукмрон иқтисодий муносабатларга ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг характериға боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм каби тузумлар кўпгина мамалакатлардаги ҳозирги замон бошқарув жараёнларидан тубдан фарқ қилади.

Синфий жамият вужудга келгандан кейин бошқарув икки томонлама характериға эга бўлди. Бир томондан, ҳамкорликдаги меҳнатни ташкил этиш вазифаси сақланган бўлса, иккинчи томондан эса бошқарув эксплуатация қуроли бўлиб қолди. Қулдорлик ва феодализм ишлаб чиқариш усуллари шароитида бошқарув асосан, меҳнат жараёни устидан назорат қилиш ҳамда жисмоний ёки маъмурий мажбурлашга қаратилган эди.

Капитализмда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ривожланиши учта босқичга бўлинади. Капитализмнинг қарор топиши даврида фабрикани мулкдорларнинг ўзи бошқарган. Стихияли бозор механизми эса капиталистик ишлаб чиқаришнинг умумий регулятори бўлиб хизмат қилган. Йирик технология асосидаги ишлаб чиқариш босқичида бошқариш вазифаси капиталист-мулкдорлардан ажратилади. Капиталистнинг вазифаси эса, бошқариш устидан назорат ўрнатишдан иборат бўлади. Давлат – монополистик капитализм даври ишлаб чиқаришнинг профессионал ташкилотлари – менежерлар институтининг ташкил этилиши, бошқариш жараёниға ҳозирги замон воситаларининг жорий этилиши, капиталистик иқтисодиётга давлатнинг аралашуви билан характерланади. Капиталистик ишлаб чиқаришни илмий бошқариш элементлари йирик машинали ишлаб чиқариш ва давлат-монополистик капитализми даврида вужудга келди ҳамда ривожланди.

Бошқарув ривожланишининг дастлабки даврларида тадбиркор – мулк эгаси ўзининг шахсий тажрибасиға таяниб, ишлаб чиқаришни бошқарган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш заруратининг ортиб бориши билан, инсоннинг бошқарувға бўлган қизиқиши кучайиб борди. Бу билан бошқарув ходимларини тайёрлашға алоҳида эътибор қаратилди.

Бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида илмий бошқарувнинг асосчи ҳамда намоёндалари ўзларининг илмий назарияларини яратишган. Иқтисодиётни бошқариш соҳасининг йирик назарийётчиси – Гаррингтон Эмерсон (1853-1931) “Унумдорликни ўн икки тамойили” асарини ёзиб, бу асарда биринчи бўлиб инсон фаолиятини мақбуллаштиришға

қарашлар тизимини баён қилиб берди. Г.Эмерсон қуйидаги тамойилларга асосланган максимал меҳнат унумдорлигига эришиш усулини ишлаб чиқди: аниқ белгиланган ғоя ва мақсадлар; ақли расолик; асосли маслаҳат; қатъий интизом; ходимларга нисбатан адолатли муносабат; марказлаштириш; тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқвадоимий ҳисоб-китоб; меъёр ватартиб; шароитни мўътадиллаштириш; операцияларни меъёрлаш; ёзма стандарт қўлланмалар; унумдорлик учун рағбатлантириш¹.

Илмий бошқарув ривожланишига ҳисоб-китоб ва режалаштиришнинг чизма усулини ишлаб чиққан Генри Кант (1861-1919) ва ишни мақбуллаштириш учун стандарт ҳаракатларни қўллаб, айрим ишларни бажариш усуллари таклиф этган Френк Гильберт (1868-1924)лар салмоқли ҳисса қўшишган. Шунингдек, менежмент назариясига француз муҳандиси Анри Файол бошқарув вазифаларини мақбуллаштириш – олдиндан кўра олиш, ташкил этиш, буюриш, келишув, назорат қилишга тенглаштирган.

“Индустриал психология йўналиши асосчиси Гуго Мюнстерберг (1863-1916)нинг “Бизнес психологияси”, “Психология ва индустриал самарадорлик” китоблари биринчи марта ходимларни бошқаришнинг психологик жиҳатларига дахлдор бўлди, ишга қабул қилишда, кадрларни тайёрлашда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ташкилий тадбирларда тестлаштириш аҳамиятини баён қилиб берди. АҚШда психологик корпорациянинг ташкил этилиши (1918 й.) персонал билан ишлаш амалиётида бошқа психология усуллари кенг фойдаланишга асос яратди. Гуго Мюнстерберг асосий тамойилларни ифодалаб берган бўлиб, уларга мувофиқ раҳбарлик лавозимларига ходимларни танлаб олиш керак бўлади, деди. У ўз фикрига кўра бизнесга учта энг долзарб масалани қўйган бўлиб, улар қуйидагичадир: интеллектуал сифатдаги ишларни бажариш учун энг мос келадиган кишиларни қандай қилиб излаб топиш керак (кадрларни илмий танлаш); қандай психологик шароитда ҳар бир ходимдан энг яхши натижалар кутиш мумкин; бу масалалар улар томонидан қандай ишлаб чиқилган; турли ишларга бўлган қобилиятларини аниқлаш учун тестлар қандай тузиб чиқилган. Г.Мюнстерберг “психотехника” асосчиси бўлиб, бу 50-йилларда “амалий психология” деб аталган эди.

XIX аср охири, XX аср бошларида инсон ва унинг қобилиятлари ўз ҳолларича капиталдир, деган иқтисодий мактаблар кенг ёйилди. Уларнинг намоёндалари сифатида Л.Вальрас, Дж.Кларк, Г.Маклеод, Дж.Мак-Куллох, И.Фишер инсонни капитал сифатида кўришган. Л.Вальрас фикрига кўра: “Инсон – табиий ва абадий капиталдир. Чунки у сунъий тарзда яратилмаган, абадий, ҳар бир авлод ўзига ўхшаганларни такрор барпо этади”.² Бир қатор иқтисодиётчилар инсоннинг ўзини эмас, балки унинг орттирилган ва наслдан-наслга ўтадиган қобилиятлари – капиталдир, деган фикрни билдиришган. Дж.С.Милль: “Инсон мавжудоти капитал эмас, у бойликни мавжуд этувчидир. Лекин, меҳнат жараёни давомида амалга ошадиган ва восита сифатида юзага чиқадиган кишининг орттирилган қобилиятларини капитал категориясига киритиш мумкин. Шунингдек, мамлакат ишчиларининг моҳирлиги ва қатъиятлилиги унинг асбоб-ускуна, машиналардек, ушбу мамлакатнинг бойлиги ҳисобланади”³ деган ғоялар билан чиқишган. Лекин “Инсон капитали” назарияси бу олимлар даврида тан олинмади.

«XX асрнинг 20-йилларида америкалик олимлар Э.Мэйо ва Ф.Роэзлиз Бергер «Инсоний муносабатлар» концепциясини илгари сурдилар. Бу концепция меҳнат унумдорлиги фақат ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларига эмас, балки бошқарувчиларнинг ижрочиларга қандай муносабатда бўлишларига, яъни механик омилга эмас, балки инсон омилига боғлиқ бўлишини тасдиқлар эди.

«XX асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан персонални бошқаришнинг замонавий босқичи бошланди. У инсоннинг ишлаб чиқаришдаги хулқ-атворини ўрганишни, давлат томонидан персонал билан ишлаш соҳасини бошқаришни назарда тутар эди. Инсоний муносабатлар назариясининг энг ёрқин намоёндаларига Э.Мэйо, Ф.Ротлисбергер, К.Анжерис, Р.Ликарт, Р.Блейк ва бошқалар киради»⁴.

¹Зайнутдинов Ш.Н., ва бошқалар. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2001 й. – Б. 41.

²Mill. J. S. Principles of Political Economy – L., 1920. –Р.47.

³Добрынин А.И., Дятлов С. А., Цыренова Е.Д. «Человеческий капитал в транзитивной экономики» - СПб.: Наука. 1999 – С. 23.

⁴Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Mehnat. 2004. –Б. 352-353.

1960 йилда Дэвид Мак Грегор кейинчалик машҳур бўлиб кетган «Корхонанинг инсоний томони», деган китобини эълон қилди. Бу китобда у «илмий бошқариш» назариясининг асосий қоидаларини танқид қилди. Мак Грегорнинг фикрича, мазкур назарияда тарғиб қилган батафсил тадбирлар ва қоидалар, ҳамма соҳаларга кириб бораётган меҳнат тақсимооти ва қарорлар қабул қилиш функцияларининг ташкилот юқори қатламларида тўпланиши ташкилотнинг ижодкорлиги ва ташаббусини сўндиради, ходимларнинг мустақиллигини чеклаб қўяди, ходимлар ва раҳбарлар ўртасида келишмовчилик келтириб чиқаради, пировард натижада унумдорликка салбий таъсир кўрсатади. Э.Мэйо ва Роэзлиз Бергер қарашларини ривожлантирган Мак Грегор ва бошқа бошқарув назариячиларининг ишлари бошқарув амалиётига ҳам, шунингдек, бўлажак раҳбарларни тайёрлашга ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади»⁵.

Ҳар бир бошқарув услубининг самарадорлигини баҳолаш учун америкалик олим Л. Лайкерт куйидаги коэффицентда ҳисоблашни таклиф қилган:

$$K_{лак} = \frac{\sum ИУ}{\sum МКУ}$$

Бу ерда:

Клак–автократик-либераллик коэффиценти;

∑ИУ – раҳбарлик услубидаги ишонтириш унсурлари йиғиндиси;

∑МКУ – раҳбарлик услубидаги мажбур қилиш унсурлари йиғиндиси.

Л. Лайкертнинг фикрича бу нисбат 1,9 ни ташкил қилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, раҳбарлик услубида раҳбар ишонтириш унсурларини мажбур қилиш унсурларидан тахминан икки баробар кўпроқ қўллагандагина, унинг раҳбарлик услуби мақбул, мақсадга мувофиқ, самарали ҳисобланадиб.

Юқорида таъкидланган бошқарув илмининг тадрижий ривожланиши ҳамда бу борада эришилган муваффақиятлар билан инсоният ҳеч қачон қаноатланиб қолмайди. У муттасил равишда такомиллашиб, ривожланиб бораверади. Ҳар бир мамлакат олдига қўйган мақсадларига эришишида мос ва мақбул тарздаги бошқарув йўллари танлайди ҳамда янгилари устида изланишлар олиб боради.

“Инсон капитали” иқтисодий категорияси аста-секин шаклланди. Биринчи босқичда уни инсоннинг меҳнатга билими ва қобилияти деб тушунилди. Кейин узоқ давр мобайнида иқтисодий назария инсон капиталига фақат ривожланишнинг ижтимоий омили сифатида қараб келди, яъни таълим ва тарбияга инвестицияни ишлаб чиқарилмайдиган, балки сарф-харажатдан иборатдир, деб ҳисоблади. XX асрнинг иккинчи ярмида инсон капиталига муносабат тубдан ўзгарди.

Иқтисодиётда ривожлантиришни амалга оширишда бошқарувни демократлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Демократик бошқарув тамойили, доимий равишда замон талабларини ўзида мужассам этади. Унда жамоанинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги истаклари, интилишлари, ташаббуслари, илмий ва маданий омилининг роли ортиб боради.

Ишлаб чиқаришда ақлий ва илмий мулк ҳиссаси ортиб бормоқда. Бунда ақлий ва илмий мулкнинг асосий ресурси бўлган инсондан катта масъулият ва вазифани ижро этиш талаб этилади. Замонавий демократик бошқарувнинг асосий мезони бўлиб, инсон ресурсларининг ривожланганлик даражаси, билим салоҳияти, малакаси, тажрибаси, истак-хоҳиши, фикрлаш қобилияти ҳисобланади.

Жамоатчилик бошқарувида имкониятлар, кучлар ва билимлар бирлаштирилади. Бунда улардан омилкорлик билан фойдаланиш учун бошқарув фаолияти чин маънода ижодий характерга эга бўлиб шаклланади. Натижада бошқарув ривожланишнинг трансформацияловчи кучи сифатида ўзини намоён этади.

⁵Абдурахмонов Қ. ва бошқалар. Персонолни бошқариш.–Т.: Ўқитувчи, 2007.- Б.33.

⁶Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. - Т.: Меҳнат, 2000. - 27-28 б.

Хусусан, жамоатчилик бошқаруви ва унинг шаклланиш механизми қуйидагича бўлиши лозим:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишда, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларининг меъёрий миқдорини шакллантириш;
- меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, инновацион маҳсулот ва турлари, маҳсулотни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиш;
- оптимал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, тавсия этилаётган бошқарув концепцияси асосидаги бошқарувнинг самарали тузилмасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Жамоатчилик бошқарувида оқилона ёндашув, билим, замонавий концепциялар, илмталаб технологиялар муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув асосини замонавий илм ва фан-техника ютуқларисиз шакллантириб бўлмайди.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий-тини ривожланиш йўлига ўтказишда мавжуд қийинчилик ва муаммоларни ҳал этиш, муайян соҳаларни барқарор ривожланишини ташкил этувчи тузилмаларнинг ягона мақсад йўлида бирлаштириш ғояси илгари сурилмоқда. Уни кенг жамоатчиликка таянган ҳолда, ақл-идрокни жамлаб, имконият ва ресурслардан омилкорлик билан фойдаланган ҳолда амалга оширмоқ даркор. Жамоатчилик ёрдамида иқтисодий самарадорликни кўзлаш, барча ишлаб чиқариш кучларини мақсадли ўзанга йўналтириш – юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Бунинг учун катта ижодий салоҳият ва яратувчанлик кучларини талаб қилади. Иш тузилма ва ходимларнинг ташаббуси ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, фуқароларнинг қобилият ва истеъдодларини намоён қилишлари учун имконият ҳамда шароитни кенгайтириш зарур бўлади. Чунончи иқтисодий ҳолатга қараб иш юритиш объектив заруратдир. Шу боис, муайян соҳани комплекс ривожлантириш учун унинг таркибидаги корхоналар бошини бириктирувчи жамоатчилик асосидаги бошқарув тузилмасига эҳтиёж сезилмоқда.

Шу сабабли, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётган тузилмалар ҳуқуқи ва молиявий эркинлигини сақлаган ҳолда, умумий тизим фаолиятини амалга оширадиган жамоатчилик уюшмасига бирлашиб, унинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, тизимдаги фаолият синтез, таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Тузилмалар бир-бири билан алоқада бўлиб, пировардида яхлитликдаги тўпламни вужудга келтиради.

Яна шуларни таъкидлаш жоизки, бошқарувда ҳар бир ходимнинг фаоллик даражасини аниқлаш, уларнинг қайси фаолиятга кўпроқ мойиллиги борлиги аниқланиб, шу йўналиш бўйича фаолият юритиши учун имконият яратиб берилиши керак. Масалан, раҳбарлик, инновацион фаолият, сифатга ва янгиликка интилиш борасида иш олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ.к. Ходимларнинг инсон омили фаоллигини аниқлаш ва шу асосда меҳнатни интеллектуал бошқариш малакали меҳнат, юқори сифатли ишчи кучига мўлжалланган бўлиши керак. Бошқарувда меҳнат ресурсларининг табақалаштирилган сиёсатини олиб бориш лозим. Фирмалар ва корхоналарда ходимларни танлаш, малакасини оширишга катта аҳамият қаратмоқлари, новаторларни шакллантиришлари зарур бўлади. Шунингдек, замонавий ходимларнинг ижодий меҳнатга, илгари сурилган ғояларни амалга оширишга имкон яратилиши, муносиб рағбатлантирилиши, ходимларни қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишдаги иштирокларини кенгайтириш, ўзини-ўзи бошқариши меҳнатни ташкил этишнинг муҳим жиҳати бўлади.

Бошқарув эркинлиги ва инсон салоҳияти – иқтисодий жадал ривожлантиришнинг асосий элементлари сифатида ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида инсон ресурсларининг сифатига бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги, инсон омилининг фаоллик даражасини оширишга жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зайнутдинов Ш.Н., ва бошқалар. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2001 й.
2. Mill. J. S. Principles of Political Economy – L., 1920.
3. Добрынин А.И., Дятлов С. А., Цыренова Е.Д. «Человеческий капитал в транзитивной экономики» - СПб.: Наука. 1999.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Mehnat. 2004.
5. Абдурахмонов Қ. ва бошқалар. Персонални бошқариш. – Т.: Ўқитувчи, 2007.
6. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. - Т.: Меҳнат, 2000.

RANUNCULACEAE OILASIGA MANSUB NIGELLA SATIVA O'SIMLIGINI TARKIBI, XALQ TABOBATIDA QO'LLANILISHI VA YETISHTIRISH TEXNOLOGIYASI

Qaysarov V. T. ¹, Islamov A. M. ², Xomidjonova O. A. ³,

¹dotsent, Toshkent davlat agrar universiteti,

²katta o'qituvchi, Toshkent davlat agrar universiteti,

³magistr, Toshkent davlat agrar universiteti

Annotatsiya. Barcha o'simliklarni introduksiya qilishda, ulardan olinadigan xomashyo miqdorini prognoz qilish va ekiladigan maydonda ko'chat qalinligini to'g'ri hisoblab joylashtirish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Har qanday o'simlikning ekish tizimi va ko'chat qalinligini to'g'ri tanlash, muhim agrotexnik tadbirini o'tkazish talab qilinadi. O'simliklarning ko'chat qalinligi me'yoridan oshiq yoki kam bo'lganida ularning o'sishi, rivojlanishi, hosildorlik ko'rsatkichlariga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Dorivor o'simliklarning introduksiya yoki madaniylashtirish sharoitida yetishtirish, ularni tajriba maydondagi ko'chat soni, uning qalinligini belgilashda ularning morfologik, biologik va ekologik xususiyatlari hisobga olinadi.

Tayanch so'zlar: *Nigella sativa*, poya, gul, urug', kimyoviy tarkib, tibbiyot, ibn Sino.

Mavzuning o'rganilganlik darajasi: Dorivor *Nigella sativa* o'simligi O'rta Osiyoning ba'zi joylarida yovvoyi holda uchraydi. *Nigella* aslida ko'pchilik mamlakatlarda dorivor o'simlik sifatida uni bir yillik turlari ekiladi. Ekma sedana aprel oyining boshlarida tuproq harorati 15-20 gradus isiganda ekiladi. Urug'lar tuproq sharoitidan kelib chiqib 1,5-2 sm chuqurlikda ekish, tavsiya qilinadi. Yosh nihollar bahorgi sovuqqa chidamli hisoblanadi. Vegetatsiya oxirigacha tuproq va havo namligiga qarab 5-9 marta sug'oriladi. Ikki marta o'g'it beriladi gektar hisobiga 30 kg azot va 20 kg kaliy o'g'iti beriladi. Ikkinchi marta oziqlantirish 40 kg azot 30 kg fosfor berish sug'orish oldidan o'g'itlash tavsiya etildi. Tipik bo'z tuproqlarda ekilgan sedana o'simligiga agrotexnik tadbirlari o'z vaqtida bajarilsa hosildorlikni oshirishga sharoit yaratiladi.

Botanik ta'rifi. Bo'yi balandligi 10-40 sm, poyasi tekis shoxlangan balandligi 2-3 sm uzunlikda, ikki yoki uch marta qisqa, chiziqli, bir – biridan ajralib turadigan bo'laklarga bo'linadi.

Poyalari to'g'ri o'sadi, ba'zan ancha shoxlab ketadi, barglari patsimon qirqilgan. Gullari to'g'ri yakka. Gullar ancha yirik shoxlarining uchki qismlaridan chiqadi, och moviy tusda bo'ladigan 5 ta gul toji bargidan iborat. Cho'zinchoq o'tmas uchli qisqa poyaga tutashgan beshtasi zangori uzunligi 1-1,5 sm, nektar barglari yuqori qismi qisqaroq mevasi shaklan ponasimon bo'ladigan qop-qora qirrali urug' tugadi. Mevalar katta cho'zilgan ko'p bargli barglardir. Har birida ko'p sonli urug'lar mavjud bo'lgan uch, yetti

bargdan iborat. Barglar donador – bo'rtmali shishgan uchiga birlashtirilgan. Uzunligi 1,5 sm gacha yumaloq. Urug'lari uchburchak piyoz urug'iga o'xshaydi ta'mi bilan ular o'xshamaydi. Iyul – avgustda gullaydi, mevalari avgust-sentyabrda yetiladi.



Kimyoviy tarkibi. Sedana urug'lari tarkibida 40 % gacha yog'li moy, 1,65 % efir moyi, vitamin S, flavonoidlar (kversetin, kemferol), steroidlar alkaloidlar, kumarinlar, xinonlar, saponinlar, mineral moddalar va boshqa birikmalar bor. Urug'ida yarim quriydigan yog'li moy (31-44 %) melangin glikozid, efir moyi (0,8-1,5%) mavjud. *Nigella* ekish barglarda 0,43 % gacha askorbin kislotasi mavjud. Efir moyi o'tkir achchiq hidli sariq suyuqlikdir.

Kimyoviy tarkibi etarlicha o'rganilmagan, unda terpenbirikmasi melanol borligi haqida ma'lumotlar mavjud.

Ta'siri va ishlatilishi. Xalq tabobatida sedana urug'laridan tayyorlangan damlamani tish, me'da, yurak og'riqlarida, siydik haydaydigan vosita tariqasida, shuningdek, bolalarda gijja tushiradigan

(sirka bilan aralashtirilib) va uxlatadigan dori o'rnida foydalaniladi. Damlamasi tumov va tomoq og'rig'iga qarshi dori sifatida ham ishlatiladi, uni surgi va emizikli ayollar sutini ko'paytiradigan vosita o'rnida ishlatib bo'ladi. Bavoil kasalligiga davo qilish uchun sedana urug'lari kuniga 2-3 martadan ichib turiladi. Yoki uni vazelin yo bo'lmasa mol yog'iga qorishtirib, malham qilib, sirtga ishlatiladi.

Qadimgi hakimlar zotiljam, bronxit, bronxial astma, sariq kasalligi, istisqoda va odam ko'ngli aynib, qayt qilib turadigan mahallarda sedanadan keng foydalanishgan. Ularning fikriga qaraganda, sedana odam vujudiga to'planib qolgan va bir qancha kasalliklarga sabab bo'ladigan har - xil hidlarni chiqarib yuborishga sabab bo'ladi.

Inson tanasi yog' ishlab chiqarolmagani uchun uni tashqaridan olishga majbur. Bir gramm 477 dona sedana insonga zarur kunlik yog' ehtiyojini qondira oladi. Shifokorlar sedanani istemol qilish yog'ning eng unumlisi uni ezib yeyish ekanligini takidlashadi. Sedana immunitet tizimini mustahkamlab, rak, OITS kabi kasalliklarga qarshi tavsiya etiladi. Qon bosimi, isitmani tushirishi va tabiiy antibiotik kabi ta'sir kuchlariga ega.

Sedaning davolovchi xususiyatlarining tarixi qadimgi davrlardan boshlanadi, buni neolit va mezolit davridagi qazishmalarda qora sedana urug'lari topilganligi tasdiqlaydi. Nigella sativa dorivor o'simlik sifatida Gippokrat, Pliniy, Dioskoridlar ishlatgan.

Ibn Sino o'zining «Tibbiyot qonuni» kitobida qora sedanani «organizmning energiyasini rag'batlantiradi, depressiya va charchoqni tiklashga yordam beradigan urug'» deb nomlagan. Ibn Sino bosh og'rig'i, yuz nervlarining falajiga ko'k suv kasalligi, yani glaukoma katraktaga davo qilish uchun sedanadan foydalangan, uni asal bilan aralashtirib, qovuq va buyrakdagi siydik toshlariga qarshi ishlatgan. Ibn Sino ma'lumotlariga ko'ra, sedana so'gal va xollarni, pes dog'larni yo'qotishga yordam beradi, sedana urug'lari odamni umuman quvvatga kirgizadigan, siydik haydaydigan, ayollar sutini ko'paytiradigan vosita tariqasida. Tibet tabobatida esa me'da va jigar

kasalliklariga davo sifatida ishlatilgan.

Zamonaviy tabobatda sedana o'tidan tayyorlangan damlamaning yurak ishini joyiga keltirishi, bronxial astma va siydik - tosh kasalliklarida foyda berishi aniqlangan, sedana bakteriya va sistalarga qarshi ta'sir ko'rsatish xususiyatiga ham ega. Urug'lar insektitsid xususiyatiga ega, ular kiyimni kuyalardan himoya qilishda ishlatiladi. Manzarali va moyli o'simlik yaxshi asal beruvchi. Efir moyi yoqimli hid beruvchi sovun tayyorlash va parfumeriya sanoatida ishlatiladi. Islom mamlakatlarida keng qo'llaniladi. Covid -19 ga ham qo'llanganda yaxshi natija bergan.

Oxirgi ma'lumotlarga ko'ra, Nigella sativa gullaydigan o'simligidan kelajakda COVID-19 ga qarshi yangi vosita sifatida foydalanish mumkin. Bu haqida Clinical and Experimental Pharmacology and Physiology jurnalida chop etilgan [5] maqolada xabar berilgan.

Qandolat mahsulotlari va boshqa ichimliklar ishlab chiqarishda ishlatiladi. Ko'pincha qora murch bilan bir xil tarzda ishlatiladi, lekin ular oshqozon shilliq pardasini bezovta qilmaydi. Ulardan non pishirishda bodring karam tuzlashda ziravor sifatida ishlatiladi. Misr va arab mamlakatlarida Hindistonda ko'p qo'llaniladi.

Sedana asrlar davomida Osiyo, Yaqin sharq va Afrikada barglari va urug' moylari dorivor sifatida qo'llanilib keladi An'anaviy ravishda nafas olish tizimi, oshqozon, ichaklar, buyraklar, jigar, yurak qon tomir tizimi muommalari, immunitetni yaxshilash va tananing umumiy holatini yaxshilash bilan bog'liq turli xil kasalliklar uchun ishlatiladi. Oziq ovqat qo'shimchasi sifatida ishlatiladi, tibbiyotda astma, diabet, ovqat hazm qilish, kasalliklar, gipertoniya va boshqa ko'plab kasalliklarda samarali foyda beradi.

Tayyorlash va ishlatish usullari. 1. Bavoilga davo qilish uchun 0,5 -1 g dan sedana urug'ini kuniga 2-3 mahal iste'mol qilib turish buyuriladi. 2. Vazelin yoki mol yog'iga mayda yanchilgan sedana urug'ini 16 ga 10 nisbatda yaxshilab qorishtirib, teri kasalliklarida malham qilib qo'yiladi.

Фойдаланилган адабиетлар:

1. Nigella sativa // Ботанический словарь / сост. Н. И. Анненков. — СПб.: Тип. Имп. АН, 1878. — ХХІ + 645 с.
2. Чернушка // Чаган — Экс-ле-Бен. — М.: Советская энциклопедия, 1978. — (Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров ; 1969—1978, т. 29).
3. Флора СССР : в 30 т. / гл. ред. В. Л. Комаров. — М. ; Л. : Изд-во АН СССР, 1937. — Т. 7 / ред. тома Б. К. Шишкин. — С. 69—70. — 792, ХХВИ с. — 5200 экз.
4. Губанов И. А. и др. Дикорастущие полезные растения СССР / отв. ред. Т. А. Работнов. — М.: Мысл, 1976. — С. 125. — 360 с. — (Справочники-определители географа и путешественника).
5. Роман Дмитриев. Лечение коронавируса. Масло черного тмина от коронавируса. Нигелла сатива как возможное лекарство от ковида. Мосмедпрепарат.ру. «Мосмедпрепараты» (6 ноября 2021).

FERULA TURKUMI VA TURLARI

G. Sh. Choriyeva, X. N. Sulaymonov,
ToshDAU "Ekologiya va botanika" kafedrası assistenti

Annotatsiya. Kovrak turkumiga mansub o'simliklar yer yuzining deyarli barcha mintaqasida uchraydigan o'simliklardir. Ushbu turkumga oid turlar tibbiyotda, sanoatda va oziq-ovqatda muhim ahamiyatga egadir. Shifobaxsh o'simliklar orasida ushbu turkum vakillari alohida o'ringa ega.

Tayanch so'zlar: Kovrak turkumi, dorivor, ozuqabop, yem-xashak, asalchil o'simliklar, monokarp va polikarp, ildiz, barg, novda, poya.

Kovrak turkumi Ziradoshlar (Apiaceae) oilasiga mansub – ikki urug'pallalilar ichida eng yirik oilalardan biri bo'lib, u 300 turkumga oid 3500 gayaqin turni o'z ichiga oladi. O'zbekistonda 69 turkumga oid 198 tur o'simlik o'sadi.

Oila vakillari yer yuzida juda keng tarqalgan bo'lib, uning asosiy qismi shimoliy yarim sharda shuningdek, tropik va subtropik mamlakatlarda o'sadi.

Hayotiy shakliga ko'ra oilada bir yillik, ikki yillik va ko'p yillik o'tlar asosiy o'rin tutib, ikki yillik va ko'p yillik o'tlar ustunlik qiladi. Tropik va subtropik mamlakatlarda ayrim turlari buta shaklida o'sadi. Oila vakillarining poyasi o't poya bo'lib, asosan tik o'sadi. Barglari ikki, uch patsimon ajralgan, panjasimon. Ular poyada navbat bilan joylashgan, pastki qismida poyani ma'lum darajada nay shaklida o'rab turadi.

Gullari soyabon to'pgulda o'rnashgan bo'lib, kallakcha, oddiy yoki murakkab soyabondan iborat. Ko'pchilik turlarda soyabonlar murakkab tuzilishga ega. Uzunligi bir metrgacha yetadi. Gullari o'simlik turiga va o'sib turgan joyiga qarab turlicha balandlikda bo'ladi. Ular mayda, bir yoki ikki jinsli, gulqo'rg'oni oddiy, gulkosa va gultojibarglari beshtadan och sariq hamda qisman sariq rangda bo'ladi. Changchisi 5 ta, urug'chisi 1 ta yoki 2 ta meva bargdan shakllangan, tugunchasi ostki ikki uyali. Mevasi ikki urug'li, pishgan mevasi ikkita mevachaga ajralib, meva bandida ochilib turadigan qo'sh pistachadan iborat. Urug'i endospermimli.

Oilaning gul formulasi :

Gk 5 Gt 5 Ch 5 U (2) yoki Ca 5 Co 5 A 5 G (2)

Oila vakillari sanoatda, tibbiyotda, oziq-ovqat sifatida umuman kundalik hayotda muhim o'rin tutadi. Ferula L. turkumi turlari – ko'p yillik, o'tsimon, geofit o'simlik. Mavsumiy rivojlanish ritmi

bo'yicha ular efemeroidlardir. Ya'ni, o'simlik har yili bahorda qisqa vegetatsiya davrida o'sib, rivojlanadi, havo harorati, tuproq o'simlik o'sishini tormozlagan paytlarda yoz, kuz va qish oylarida atmosfera yog'ingarchiligi kam davrda tinch holga kiradi (Nechaeva b., 1973; Burigin va b., 1975).

O'simlikning hayotiy sikli o'tashiga ko'ra E.P. Korovin (1940) bu turkum vakillarini 2 guruhga: monokarp va polikarp turlarga ajratadi. Monokarp turlar o'tsimon o'simliklar orasida unchalik ko'p uchramaydigan original turlar hayotiy formasi hisoblanadi. Bunga Narthex, Mervia hamda Euferula kenja turkumining ba'zi vakillari kiradi. Qolgan turlarning barchasi polikarp turlardir.



Monokarp turlarda asosiy novdaning o'sishi monopodial tarzda bo'ladi: dastlabki 5-6-yillarda qisqa vegetativ davrda faqat tupbarglar hosil qilib, gullash va urug'lash yilida esa yer ustki ortotrop poya hosil qiladi. Bu poya (novda) polisiklik kategoriyasiga kirib, o'simlik esa yarim tupbarg hosil qiluvchi guruhga kiradi. Ular asosan bir, ba'zi hollarda, poya shikastlanganda 2 tadan 6 tagacha generativ novda hosil qiladi (Nechaeva va b., 1963; Markova, 1970; Rahmonqulov, 1999).

Polikarp turlarda simpodial shoxlanish

kuzatilib, keyinchalik yer osti poyadan hosil bo'lgan kurtaklaridan yangi vegetativ novdalardan generativ novdalar hosil bo'ladi (Nechaeva b., 1963). Shuning uchun bu o'simliklarda murakkab ildizpoya shakllanadi.

O'simlikning yer ostki organlari oziq moddalarini zaxira holda saqlaydigan ildiz va ildizpoyadan iborat bo'lib, ular tunganaksimon yo'g'onlashgan (Fedorov va b., 1962; Markova va b., 1968; Rahmonqulov, 1999).

O'simlik poyalarining balandligi har xil: gigant-poyasi 3 metr gacha yetadigan turlardan (*F. gigantea*, *F. foetida*, *F. penninervis*, *F. kuhistnica*, *F. malocophilla*, *F. varia*, *F. sumbul*) tortib, past (karlik) – bo'yi atigi 30 sm ga yetadigan turlar (*F. karataviensis*, *F. nuda*) ham uchraydi. Har bir turning balandligi ob-havo, ekologik sharoitga qarab ham o'zgarib turadi.

Barglari asosan to'pbarglardan iborat bo'lib, ular ildiz bo'g'zida joylashadi. Ularning yaproqlari (barg plastinkasi) uch bo'lakli, har bir bo'laklar uch segmentli bir necha karra patsimon qirqilgan. Poyadagi barglar to'pbarglarga nisbatan kichikroq, yaxshi rivojlangan barg novlari (qinlari) orqali poyaga o'rnashadi.

Soyabongullar asosan qipiqsiz, supurgisimon

joylashishi bo'yicha ular ikki xil: markazdagisi asosan ikki jinsli gullardan tashkil topsa, yon soyabonda joylashgan gullar faqat changchili gullardan (yoki changchili va ikki jinsli gullardan) iborat bo'ladi. Yon soyabongullar markaziy soya-bongulning asosida joylashgan bo'ladi.

Gullari ikki jinsli yoki faqat changchili oddiy soyabongulda joylashadi. Gulkosabarglari tishsiz yoki faqat qipiq holda tez to'kilib ketadigan. Gultojbarglari 1 dan 4 mm gacha uzunlikda, sarg'ish yoki och sarg'ish, oqish, rangli, butun (qirilmagan) uchki qismi buralgan, elliptik, teskari tuxumsimon, lansetsimon, uchi to'mtoq yoki uchli, asosan tuksiz, ba'zan tashqi tomoni tukli bo'ladi. Changchisi 5 ta, urug'chisi 1 ta, ikki meva barga iborat. Tugunchasi 2, ayrim hollarda 3 uyali. Changchisi 0,5-0,8 mm uzunlikda, ellipssimon, sarg'ish, jigarrang va binafsha ranglarda. Chang donachalari 3 pushtali uzunchoq ellipssimon.

Mevalari tashqi qismidan siqilgan, yapaloq yoki biroz egilgan. Tashqi tomondagi qobirg'alari ipsimon, chekka qirralaridagisi qanotchasiimon. Karpofori erkin, ikki bo'lakli. Mezokarp ikki qavatli, ichki qavati yog'ochlangan parenxima hujayralar (gipendokarpiy) dan iborat (Rahmonqulov, 1999; Safina, 1984).

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Саидходжаев А.И. Сесквитерпеноидные производные рода Ферула Л. // Химия природ. соедин. 1979. 4. С. 332-336.
2. Коровин Е.П. Иллюстративная монография рода Ферула Л. (Тоурн.) Ташкент. 1947. 93 с.
3. Курмуков А.Г., Ахмедходжаева Х.С. Эстрогеновые лекарственные препараты из растений рода ферула. Ташкент: Издателскополиграфическое объединение имени Ибн Сино. 1994. 69 с.
4. Пименов М.Г. Семейство Зонтичные // Определитель растений Средней Азии. Ташкент. 1983а. Т. 7. С. 276-313.
5. Рахманкулов У., Мелибаев С., Саидходжаев А.И. Сренеазиатские виды рода Ферула Л. Листочник сесквитерпеновых производных // Биологическое особенности и распространение перспективных лекарственных растений. Ташкент: ФАН. 1981. С. 138-153.
6. Raqmonqulov U., Avalboev O. O'zbekiston kovraklari. Toshkent, 2016. "Fan va texnologiya" nashriyoti. 244 bet.
7. Abd El-Razek, 2007. A new ester isolated from *Ferula assa-foetida* L. Bioscience, Biotechnology and Biochemistry 71, 2300-2303.
8. Bagheri S.M., Sahebkar A., Gohari A.R., Saeidnia S., Malmir M., Iranshahi M., 2010. Evaluation of cytotoxicity and anticonvulsant activity of some Iranian medicinal *Ferula* species. Pharmaceutical Biology 48, 242-246.
9. Bandyopadhyay D., Basak B., Chatterjee A., Lai T.K., Banerji A., Banerji J., Neuman A., Christensen L.P., Brandt K., 2006. Bioactive polyacetylenes in food plants of the Apiaceae family: occurrence, bioactivity and analysis. Journal of Pharmaceutical and Biomedical Analysis 41, 683-693.
10. Dehpour A.A., Ebrahimzadeh M.A., Fazel N.S., Mohammad N.S., 2009. Antioxidant activity of the methanol extract of *Ferula assafoetida* and its essential oil composition. Grasas y Aceites 60, 405-412.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”

УНДА ҚАДРИЯТЛАР ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ

МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Сайёра Холмирзаева,

Тошкент давлат аграр университети
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси муdiri в.б.,
доцент, филология фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақола Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида миллий қадриятларни ва маънавий-ахлоқий масалаларни ёритиш орқали ўзбек тилининг бадиий хусусиятларини очиб беришга қаратилган. А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги ахлоқий масалалар, яхши ва ёмон хислатларни таҳлил қилиш, юксак инсоний фазилат ва эзгуликларни тарғиб этиш, илм-маърифат ва билимни тўлиқ эгаллаш бадиий тилнинг турли воситалари, кичик ҳикоялар, мақоллар, чоғиштиришлар орқали кенг ёритилган.

Таянч сўзлар: маънавият, баркамол, адабиёт, асар, инсоният, ижод, шеър, дoston, комил инсон, яхшилик, тўғрилиқ.



Инсонга хос ахлоқий, тарбиявий, маънавий хусусиятларни ва қадриятларини акс эттирган ушбу асар ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётини таҳлил қилишга, тўғри йўл топишга, анъанавий-ахлоқий қадриятларга амал қилишга ўргатади. Асарнинг бутун инсониятга хос тарбиявий аҳамияти ва ўрни ҳам ана шундадир.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари 1500 йилда ёзилган бўлиб, у буюк бобомизнинг ҳаёт йўли давомида тўплаган бой тажрибаси, улардан олинган хулосалари, қарашларининг маҳсулидир. Асар бир-бири билан боғлиқ уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда ўз давридаги турли табақалар, касбларнинг тасниф ва таърифи, бурчи ҳамда вазифалари ёритилган бўлса, иккинчи ва учинчи қисмларда инсондаги турли фазилат ва хислатлар, яхшиликка йўлловчи ҳикматлар, иборалар, маслаҳатлар, ўғитлар, мақоллар мазмуни баён этилган.

“Маҳбуб ул-қулуб” Алишер Навоий асарлари тилини ва бадииятини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Унинг турли вақтда қўчирилган бир қанча қўлёзмалари Тошкент, Санкт-Петербург, Париж ва Истанбул кутубхоналарида сақланади.

Асарнинг учинчи қисмида саховат ва ҳиммат, мурувват ва вафо, тил одоби каби масалалар бадиий-тасвирий воситалар орқали таърифланади. Тилни “кўнгул хазинасининг қулфи” ва сўзни шу “хазинанинг калити” деб таърифлаган. Алишер Навоий тил одобига катта эътибор бериб, кишиларни қисқа ва мазмунли, ўринли ва мантиқли сўзлашга чақиради. У саховат ва ҳимматни таърифлаб, шундай ёзади: “Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур (меваги дарахтидир), балки ул шажарнинг му-

фид самаридир (фойдали мевасидир)”.
“Маҳбуб ул-қулуб” халқ оғзаки ижодини,

айниқса, энг оммабоп бўлган мақол жанрини ўрганишда муҳим манбадир. Бу асардаги кўпгина мақоллар ё айнан ёки қисман ўзгарган ҳолда ҳозирги кунда қўлланиб келинмоқда. Алишер Навоийнинг “Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур”, “Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамоғон ўзига золим” каби ҳикматли сўзлари эса мақолга айланиб кетган. “Маҳбуб ул-қулуб” шеърӣ парчалар ва мақоллар қўйилган масалаларга, мулоҳазаларга якун ясаш, “қиссадан ҳисса чиқариш” вазифасини бажаради. Масалан, Али-шер Навоий жоҳиллар ҳақида сўзлар экан, ўз мулоҳазаларини “жоҳилликдан бесаодатроқ нима бор” мақоли билан хулосалайди. Асарда халқ ижодкорлигининг сажъ қофияланган наср усулидан фойдаланилиши унинг бадиӣ қимматини янада оширган, мусиқийлик бағишлаб, ўқилишини равонлаштирган ва таъсир кучини оширган.


А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари ахлоқӣ масалаларга, яхши ва ёмон хислатларни таҳлил қилишга, юксак инсоний фазилат ва эзгуликларни тарғиб этишга, илм-маърифат ва билимни тўлиқ эгаллашга қаратилган. Барча даврларда бир хил фикр, бир хил кўзқараш бўлиши зарур бўлган шундай ҳақиқатлар борки, булар яхшилигу ёмонлик, нодонлигу жоҳиллик, раҳмдиллигу шафқатсизлик хусусиятларидир. Яхши хислат ва фазилатларни ўрнатиб бўлиши кераклигини, ёмон хислатлардан эса йироқ юриш зарурлиги таъкидланади.

А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида сабр-қаноат, каттага ҳурмат, меҳр-оқибат, билимга чанқоқлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва тўғрилиқ, яхши ният, камтарлик, ватан-парварлик каби юксак инсоний қадриятларни асрабавайлаш ва уларни ўзига сингдириш каби хислатларга амал қилиш - комилликка интилиш эканлиги очиқ берилган. Асардаги ўғитлар, панд-насихатлар миллатимизни асрлар оша тарбиялаб келган, эзгуликка чорлаган:

Билмагани сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

Сабр-шодликлар калитидир, сабр — бир уловдир, секин юради, аммо манзилга етказади.

Илм ўқиб, унга амал қилмаган — ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди.



Одобли инсон барча одамларнинг яхши-сидир. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади.

Тилинг билан дилингни бир тут. Ўз айбингдан кўзингни олма, бировнинг айбига назар солма.

Бефойда гапни кўп айтма, фойдали гапни эшитишдан қайтма.

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. Тилини тиёлган одам — оқил, сўзга эрк берган одам — беандиша.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма, дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингга келтирма.

Асар юксак одамийликни, гўзал инсоний фазилатларни асраш, қадрлаш ва уларга амал қилиш ҳақидаги, яхшиларга янада яхши бўлиш ўғитини бериши билан бизларга доимий ҳамроҳдир. Ёмонларга, ахлоқсизликларга, ёмон хислатларга қарши курашда ҳам бизларга ҳамроҳдир.

Буюк бобомиз Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асари орқали нафақат буюк мутафаккир, шоир, адабиётшунос, шеършунос, балки ҳассос адиб сифатида ҳам гавдаланган бўлиб, бу асар бир неча авлодлар учун ахлоқ-одоб бўйича дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Алишер Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб». Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент, 2018 й.
2. Алишер Навоий. «Ҳамса». Янги аср авлоди. Тошкент, 2015 й.
3. Алишер Навоий. «Ҳайратул-аброр». Янги аср авлоди нашриёти. Тошкент, 2009 й.
4. Алишер Навоий. «Сабъаи сайёр». Янги аср авлоди. Тошкент, 2009 й.
5. Н.Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи». 1-китоб. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 1976 йил.
6. И.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Маънавият нашриёти. Тошкент, 2008 й.
7. «Халқ ичига борайлик» (тўплам). “Mashhur-press”. Тошкент, 2018 й.

СВОЕОБРАЗИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

Г.А.Умарбекова,
преподаватель кафедры
«Узбекского языка и литературы» ТашГАУ

Аннотация. В данной статье говорится о применении игрового метода World Cafe. Об инновационной методике, но в то же время простая методика разговора о волнующих аудиторию вопросах.

Ключевые слова: Русский язык, методы обучения, образовательные технологии, средство речи.




На занятиях русского языка мы часто применяем метод World Cafe. Это технология организации дискуссии в малых группах. Это инновационная, но в то же время простая методика разговора о волнующих аудиторию вопросах. Беседы разных групп связываются и дополняют друг друга по мере того, как люди перемещаются между группами, делятся своими идеями и открывают для себя новый взгляд на различные вопросы.

Рассаживаются, как это и бывает в обычных кафе, по трое-четверо за столик. При этом один человек становится «хозяином» за столом, остальные – его «гости». Для решения проблемы в малой группе есть бумажные скатерти и фломастеры, все идеи фиксируются в любой форме – запись, рисунок, диаграмма. Через небольшой отрезок времени, например 10-30 минут, «гости» отправляются к следующему столику, они выступают «посланцами новых идей», «хозяин» же остается на месте и вводит новых пришедших к нему «гостей» в курс

дела: презентует основные соображения, рассмотренные до этого. Работа продолжается с учетом всего, что подготовили предыдущие «гости». К концу второго круга дискуссий все «посетители» кафе ознакомятся с идеями и предложениями друг друга, каждый выскажет свое мнение и выслушает коллег. После нескольких таких переходов между столиками все собираются для общего обсуждения темы.

Проведение деловых переговоров, совещаний еще один из методов активного обучения студентов. Думается также, что, внедряя новые педагогические технологии, нельзя отказываться и от проверенных традиционных методов преподавания русского языка, таких, как лекция и традиционное практическое занятие. Наша дисциплина предполагает прослушивание образцов грамотной, логически выстроенной, эмоциональной, убеждающей русской речи. И такой, безусловно, должна быть речь преподавателя. Академическое красноречие отличается от других видов ораторской речи как в силу специфики преподаваемой научной дисциплины, так и выработавшихся традиционных норм чтения лекций. Элементы ораторской речи в хороших лекциях представлены гармонично: они не должны отвлекать внимание слушателей или преобладать во время изложения научных знаний. В свое время на это указал А.П. Чехов. Изображенный им профессор (в повести «Скучная история») приходит к заключению, что лектору «в одно и то же время приходится изображать из себя и ученого, и педагога, и оратора, и плохо дело, если оратор победит в вас педагога и ученого и наоборот». Вот о чем говорит старый, опытный профессор:



Например: «Другой мой противник сидит во мне самом. Это — бесконечное разнообразие форм, явлений и законов и множество ими обусловленных своих и чужих мыслей. Каждую минуту я должен иметь ловкость выхватывать из этого громадного материала самое важное и нужное и так же быстро, как течет моя речь, облекать свою мысль в такую форму, которая была бы доступна разумению гидры и возбуждала бы ее внимание, причем надо зорко следить, какую я хочу нарисовать. Далее я стараюсь, чтобы речь моя была литературна, определения кратки и точны, фраза возможно проста и красива. Каждую минуту я должен осаживать себя и помнить, что в моем распоряжении имеются только час и сорок минут».

Невозможно обойтись и без проведения традиционных практических занятий, на которых отрабатываются навыки владения устной и письменной русской речью.

Описывать ход самой деловой игры мы не будем, т.к. она максимально приближена к проведению научных семинаров и конференций и, преподавателям хорошо известна методика проведения данных мероприятий.

Отметим лишь то, на что следует особо обратить внимание на таких практических занятиях. Во-первых, на правильность фор-

мулировки тем докладов и последующего их раскрытия. Они должны быть узкими и корректными. Во-вторых, на регламент докладов. Выступающие должны научиться излагать главное в отведенное время. В-третьих, на качество презентации — она не должна дублировать текст доклада, а содержать иллюстрации, графики, таблицы, поясняющие его. В-четвертых, на активность слушателей во время дискуссии, после доклада и ответов автора доклада. Здесь необходимо поощрять всех участников и развивать навык научного общения. В-пятых, после каждого выступления необходимо проводить разбор ошибок, недочетов в оформлении представленных тезисов и самого выступления, делая акцент на основных методологических принципах научного исследования.

Таким образом, можно надеяться, что изложенный материал поможет преподавателям в подготовке к чтению курсов для молодых ученых. В наших планах продолжить публикацию наиболее интересных моментов и полезных приемов, которые показали хороший результат формирования методологической культуры при работе с молодыми учеными на лекционных и практических занятиях.

Использованная литература:

1. Арутюнов А.Р. и др. Игровые задания на уроке русского языка.— М., 1989.
2. Бухбиндер В.А. О системе упражнений//Общая методика обучения иностранным языкам: Хрестоматия/Сост. Леонтьев А.А.- М., 1991.
3. Валгина Н.С. Активные процессы в современном русском языке: Учебное пособие для студентов вузов. – М., 2003.
4. Верещагин Е.М., Костомаров В.Т. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного.— М., 1973; 4-е изд.,— 1990

ФЕРМЕР АЁЛЛАРНИНГ АГРОБИЗНЕС КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИ

А. Ташматов¹, Б. Дўсов², Н. Жумабоева³, О. Собирова⁴,
Д. Қодирхўджоева⁵, С. Бабоев⁶, Ж. Худойқулов⁷,

¹Дастур Директори, и.ф.н., доцент,

²Дастур Координатори, и.ф.н., доцент,

³Молиявий директор,

⁴Бухгалтер,

⁵IT мутахассиси,

⁶консультантлар: б.ф.д., профессор,

⁷қ.х.ф.д., профессор.

Мамлакатимиз аграр соҳасининг турли йўналишида меҳнат қилаётган мутахассис-ходимлар, ишлаб чиқарувчилар қаторида аёл фермерларнинг ўрни бениҳоя, катта. Ўз навбатида, уларнинг агробизнес кўникмаларини ошириш масаласи айниқса, муҳим вазифалардан саналади.

Агар буни рақамлар билан таҳлил қиладиган бўлсак, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда жами 803.407 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида 30 ёшгача бўлганлари 11.256 кишини, фоиз ҳисобида, салкам 7 % ни, эркак фермерлар умумий улушнинг 93.4 % ини, 5.527 та хўжаликка раҳбарлик қиладиган аёл фермерлар эса улушнинг 6.6% ини ташкил қилади.

Улар фаолиятининг рақобатбардошлиги агробизнесда инновацияларни қай даражада қўллай олишига, ўзлари бошқараётган фермер хўжаликлари барқарорлигини таъминлаш учун аввало, замонавий билим ва кўникмаларни ўз вақтида ўзлаштирган бўлиши ҳамда уни ўз ўрнида амалиётга татбиқ этаолишига ҳам боғлиқ.

Айнан шу мақсадда мамлакатимиз аграр соҳасига техник кўмак кўрсатишга қаратилган АҚШнинг кичик грантлар дастури лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида аёл фермерларнинг агробизнесга бўлган кўникмаларини оширишдан иборат. Ушбу лойиҳа доирасида минтақавий қишлоқ хўжалиги экстеншн хизматлари маркази томонидан ташкил қилинаётган ўқув дастурлари, семинар-тренинглар ва мастер-классларда фермерларнинг ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни

самарали қўллаш ортидан ўз хўжаликлари барқарорлигини таъминлашга эришиши кўзда тутилган.

2012 йилдан бошланган бу лойиҳа доирасида шу кунгача 600 нафар аёл фермер дастур иштирокчиси бўлишди. Уларнинг тажрибалари фермерлар орасида кенг тарғибот қилинганлиги натижасида унга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошганини кузатиш мумкин бўлади.

Дастур раҳбарияти лойиҳанинг янги босқичлари жараёнида мобил хизматлар кўрсатиш лабораторияси сотиб олиниши ортидан янгича ёндашувларни таклиф қилгани, айниқса, эътиборлидир.

Ушбу дастур жараёнида жойларда махсус Мастер-класслар ташкил қилинди ва фермерлар томонидан фойдаланишда бўлган ер майдонларининг тупроқ таркиби ўрганиб чиқиши ва ундаги микроэлементларнинг бойлиги ёки танқисли, унумдорлик даражаси ва кўрсаткичларига асосланиб, чора тадбирлар ишлаб чиқиши мақсад қилиб олинди.

Алмашлаб экиш ва иккиламчи экинларни қўллаш тавсия этилиши ортидан уларга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Республика Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таклифига биноан, унинг туманлардаги бўлимлари масъул ходимлари билан бамаслаҳат жойлардаги фермер хўжаликлари танлаб олиниши ва улар билан тегишли тартибда шартномалар тузилиши режалаштирилмоқда.

Хар бир танлаб олинган фермер хўжалигининг мавжуд шароитидан келиб чиқиб, уларга алоҳида амалий мастер-класс ўтказилиши тавсия этилади.

Дала шароитида янги технологияларни қўллашдан аввал, ернинг унумдорлиги,

тупроқнинг таркибий тавсифномаси расмийлаштириб олинади ва шу асосда йиллик технологик харита ишлаб чиқилади. Бу эса ўз ўрнида, ер унумдорлигига қараб, ўсимликларни етарли озиқлантириш ва минерал ўғитларни тўғри қўллашга замин яратади, Буни албатта, янги технологияни қўллаш йўлида инновацион ёндашувнинг бир кўриниши, дейишимиз мумкин.

Фермер хўжаликлари раҳбарларининг билим савиясини ошириш, инновацияларни самарали қўллаш ва ишни тўғри ташкил қилиш эвазига қўшимча ҳосил олиш учун замин яратилади ва унинг натижасида, фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги янада ортади.

Демак, Мастер класс - бу янги инновацияларни ўргатиш ва шу асосда иқтисодий самардорликка эришиш ҳамда уларнинг агробизнесда билим кўникмаларини оширишга қаратилган бўлиб, тадбир иштирокчилари бу жараёнда бевосита қатнашиб, керакли сабоқ ва билимларни ўзлаштириб олишга муваффақ бўлишади.

Минтақавий қишлоқ хўжалиги экстеншн хизматлари маркази мутахассислари ёрдамида ҳар бир хўжалик кейинчалик, ўз фаолияти давомида етарли билимга эга бўлишлари ва зарур препаратлардан тўғри фойдаланишлари орқали самарали натижаларга эришишлари мумкин бўлади.

Тупроқнинг зарур микроэлементларга бойлиги деҳқончиликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис, тупроқнинг таркиби лаборатория диагностикаси ёрдамида вақти-вақти билан такроран, ўрганиб борилиши талаб этилади ва бу иш бизнинг марказимиз ёки жойлардаги кимё хизматлари марказлари томонидан олиб борилиши мумкин бўлади.

Аввалги семинар-тренинглар ҳам қатор инновацион ёндашувларни қўллашга бағишланган бўлиб, асосан аудитория презентацияси маърузачи мутахассис орқали

тақдим этилар, ўқиш аудитория шароитида ўтказилар кейинчалик эса ўқув тажриба станцияси далаларида намоёниш этиш билан чегараланади.

Эндиликда, қўлланиладиган ёндашув мутлақо, янги бўлиб, фақат, дала шароитида Мастер-класс ўтказиш билан чегараланади ва айнан шу технологияни ғаллачиликда қўллашга қаратилади. Бу алмашлаб экишда, мош ва ёғли экинларда қўллаш имкониятини ҳам яратади, унинг қўлланилиши фермерларнинг танлов-хоҳишига боғлиқ бўлиб, уларнинг қарорига асосан, ташкил қилинади.

Пахта, ғалла ва ёғли ҳамда дуккакли экинларда уни тўғри ташкил қилиш ўқув дастурининг асосий мақсади бўлиб, мева-сабзавотчилик ҳамда узумчиликни ривожлантиришда ҳам ихтисослашган хўжалик раҳбарларидан янги технологияларни амалиётга жорий этиш борасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун астойдил интилишлари, зарурият юзасидан қўшимча равишда мурожат қилишлари, талаб этиши, албатта, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларига асосан, 2012 йилдан бери жами ўқитилган аёл фермерлар сони салкам 1000 кишига яқинроқ бўлиб, уларнинг тахминан 50 фоизи пахта-ғаллачиликка ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда ва умуман ғаллачилик билан банд бўлган хўжаликларга нисбати 74 % ни ташкил этади. Шу туфайли аслсан, ғалла маҳсулоти ҳосилдорлигини оширишга қаратилган инновацион технологияларни татбиқ қилиш асосий мақсад қилиб олинди.

Фермер хўжаликлари, агрокимё хариталарининг тузилиши, экинзорлар тупроғи таркибининг ҳолати, ундаги микроэлементларнинг нисбати ва шу каби маълумотларга асосланиб, ишлаб чиқариш режалари ва технологик хариталарнинг ишлаб чиқиши таклиф этилади.

Ўқув дастурида қатнашган аёл фермерлар: 2021-2022 йиллар. Жадвал 1.

№	Вилоятлар		Пахта, ғалла	Пахта, ғалла, мева	Мева, сабзавот	Бошқа
	Тошкент	30	15		13	2
	Сирдарё	10	9			1
	Сурхондарё	30	23	1	5	1
	Самарқанд	24	12		12	
	Жиззах	15	11	1	2	1
	Навоий	21	8	3	8	2
	Қашқадарё	14	10	2	2	

Қорақалпоғистон	20	15	1	2	2
Фарғона	19	10	7	1	1
Андижон	33	29	3	1	
Наманган	29	25	2	2	
Хоразм	23	19		3	1
Бухоро	24	20	1	2	1
Жами	292	206	21	53	12

Мастер-класс дастурига биноан, лойиҳамиз консултантлари, селекционер олим, биология фанлари доктори, профессор С.Бобоев дала шароитида қатнашчиларга кузги ғалла етиштиришнинг илғор технологияси, унинг аҳамияти, асосан, нималарга эътибор бериш кераклигига батафсил тўхталар экан, иштирокчиларнинг барча саволларига

атрофлича, жавоб қайтарди. Айниқса, ғалла қўчатларининг бақувватлилигини таъминлаш, касалланишига йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш, ўсишини тезлаштирувчи моддалар, препаратларни қўллаш меъёрлари ва муддатлари ҳамда талаб ва тартибларига алоҳида тўхталди.



Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "Ғоффор Нурли йўли" фермер хўжалиги ғалла даласида вилоят аёл фермерлари учун бўлиб ўтган Мастер-класс, семинар-тренингдан лавҳалар.






Дастуриimiz битирувчиси Шоҳиста Артиқова раҳбарлик қилаётган “ Темир қадам Шоҳиста Артиқова” фермер хўжалигига АҚШ делегациясининг ташрифи.



Тошкент вилоятининг Қибрай тумани-даги “Темир қадам Шоҳиста Артиқова” фермер хўжалигида бўлиб ўтган фермер аёллар семинар-тренингдан лавҳалар.

ТошДАУ ёш олимлари ва Тошкент вилоятининг аёл фермерлари иштирокидаги семинар-тренингдан лавҳалар.

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИГА БАҒИШЛАНГАН ДОСТОН



Носир Тоиров,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси.

Биз Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев билан ҳамиша фахрланамиз. Ўзбекистонда уни эҳтиром билан хотирлашадим. Мен у билан ишлаган одамлар билан кўп суҳбатлашганман. У ҳар доим ўзбек халқига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Ҳайдар Алиев Шароф Рашидов билан кўп бор учрашиб, кўплаб қийин масалаларни биргаликда ечишган. Бугун орамизда ҳаёт бўлганлар Ҳайдар Алиевнинг ҳар қандай вазиятда Ўзбекистонга ҳурмат билан муносабатда бўлгани, кўлаб-қувватлаганини айтишадим. Бизда “ўзбек иши” юзага келган оғир йилларда Ҳайдар Алиев бошқалардан фарқли ўлароқ ўзбек халқи ҳақида ўз шахсий фикрига эга бўлган.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бизнинг мамлакатда бу атоқли давлат ва жамоат арбоби, собиқ Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевич Алиевнинг ҳурмати катта...

Маълумки, собиқ совет даврида Ҳ.А.Алиев 1944 йилдан эътиборан, давлат ҳавфсизлик органларида хизмат қилган. Кейинчалик Озарбайжон Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат ҳавфсизлик комитети раиси, Озарбайжон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. Генерал-майор. 1987 йилда эгаллаб турган лавозимидан истеъфога чиққан, яъни, сиёсий майдондан чиқариб юборилган...

1990 йилда Озарбайжонга қайтиб келгач, у аввал Озарбайжон ССР Олий Совети депутати, Нахичеван Автоном Республикаси Олий Мажлиси раиси, кейинчалик – 1993 йилда Озарбайжон

Президенти этиб сайланади. Қақнус каби қайта пайдо бўлиб, ўзининг ноёб давлат ва жамоат арбоби сифатида бутун дунёга намоён этади... 1998 йилда халқ уни яна қайта давлат раҳбари этиб сайлайди. 2003 йилда, соғлиғи ёмонлашгани сабабли, у меросхўри бўлиб қолган, ўғли Илҳом фойдасига, ўз номзодини олади...

Шоир Исмаил Кучиев Ҳ.Алиевни афсонавий куш Қақнусга ўхшатиши бежиз эмас... Маълумки, аллома Фаридуддин Аттор ўзининг «Мантиқут-тайр» асарида Қақнус куши ҳақида сўз юритиб, шундай деган эди: “...қанотидан ўт чақнаб чиқади, кейин бутун вужудини ўт қоплаб ёна бошлайди, олов ўтинларга ўтади ва бирга-бирга ёниб чўғга айланадилар. Кейин чўғлар совиб кул бўладилар. Кул ичида битта кичкина чўғ қолади ва у кичкина қақнус бўлиб дунёга келади. Олов ўтинни кулга айлантиради, кул ичида эса қақнус боласи пайдо бўлади.”

Шуни қайд этиш керакки, ўз вақтида икки мамлакат етакчилари: Озарбайжонда Ҳайдар Алиев ва Ўзбекистонда халқимизнинг оташқалб фарзанди, таниқли ёзувчи ва шоир, истеъдодли публицист, чорак аср ватанимизга раҳбарлик қилган Шароф Рашидовни катта дўстлик ришталари боғлаб турган. Бу ҳақда, яқинда атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Умурзоқович Салимов билан бўлган суҳбатимизда, у киши тўлқинланиб гапириб берган эди... Зеро, уларнинг ҳаётида кўплаб рамзий ўхшашликлар бор: икковларининг ўғиллари туғилганда Илҳом исмини олган, икковларига, улар хизмат қилган тузум хиёнат қилди: Шароф Рашидов вафот этганидан кейин, Ҳайдар Алиевга \ эса, ҳаётлигидаёқ, хиёнат захрини тотиб

кўришга тўғри келди ...

Халқларимиз дўстлиги узоқ асрлардан, бир томонда улуғ Низомий, Фузулий, Насимий ижод қилган, иккинчи томондан улуғ ўзбек шоирлари Алишер Навоий, Бобур, Машраб ижод этишган даврларда бошланган. Бизнинг замондош, атоқли ўзбек-Озарбайжон шоири ва драматурги Мақсуд Шайхзода асарлари ўзбек адабиёти ва санъати дурдоналари орасидан жой олган.

Маълумки, Ҳайдар Алиев атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси бўлган. Унинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва беқиёс етакчилик қобилияти туфайли, қардош давлат мураккаб синовларни муносиб енгиб ўтган.

Бизнинг мамлакатда бу сиёсатчининг номи абадийлаштирилган. Президент Илҳом Алиевнинг ўтган йил Ўзбекистонга ташрифи жараёнида Тошкент шаҳрида озар халқининг умуммиллий Етакчиси, Озарбайжон Республикасининг собиқ Президенти Ҳайдар Алиев номдаги боғ барпо этилди. Бу ерда Ҳайдар Алиев барельефи ўрнатилди. Бу ҳам озар халқи етакчисининг халқимизга бўлган ҳурматига жавобнинг бир намунаси, десак адашмаймиз.

Ҳайдар Алиев ҳақида кинолар, ҳужжатли фильмлар олинган, китоблар, юзлаб мақолалар, шеърлар чоп этилган.

Яқинда эса, бизнинг ватандош, Ўзбекистон ва Белоруссия ёзувчилар уюшмалари аъзоси, публицист, ёзувчи, шоир, ўқувчиларга ўзининг рус ва ўзбек тилларида чоп этилган «Жизненный путь», «Генерал-губернатор», «Всё лучшее в себя вместило сердце», «Жаннат райхонлари», «Шараф Рашидов – победитель», «Шараф Рашидов – создатель», «Улуглар чорбоғи», «Пять шагов в вечность», «Рубаи», «Союз равных», «Бабур. Сквозь века», каби асарлар билан таниш Исмаил Раҳматович Қўчиев, Озарбайжон халқининг улуғ фарзандининг, 2023 йил 10 майда нишонландиган 100 йиллиги арафасида, унинг хотирасига бағишлаб, «Ҳайдар Алиев тантанаси», номли дoston ёзди. Китоб бизга дўст Белоруссияда чоп этилди (Исмаил Кучиев. Триумф Гейдара Алиева. Поэма. ЧИУП «Белстан». Минск. 2023). Китоб юксак полиграфия даражасида сифатли чоп этилиб, чиройли безатилган. Дoston муаллифи, дoston қаҳрамони каби, кўп йиллар давомида хавфсизлик органларида хизмат қилган, шунинг учун Ҳайдар Алиев ишлаган тизимни ичидан яхши

билади, бу эса дostonни холис ва таъсирчан бўлишига хизмат қилган. ...

Дoston олти бобдан иборат. Муаллиф ўз сўзбошисида шундай деб ёзади:

«Ушбу дostonда мен Ҳайдар Алиевнинг 1923 йил 10 майида Нахичеванда (ҳозирги пайтда Нахичеван Автоном Республикаси пойтахти) туғилган пайтидан, то 2003 йилда вафотигача бўлган ҳаёт йўлини батафсил ва ёрқин тасвир этишга ҳаракат қилдим. Айниқса, темирйўл ишчиси оддий оиласида туғилиб, бу ноёб одам ўз истеъдоди, ақл-фаросати, ажойиб иродаси ва ўз жонажон юртига муҳаббати туфайли, ҳаётнинг улкан чўққиларини забт этганлигига, ўқувчи эътиборини қаратгим келди.

Ҳайдар Алиевнинг 1990 йилда катта сиёсатга қайтиши, нафақат унинг ҳаётидаги тантаналик воқеа бўлди, балки Озарбайжон келажаги учун тақдиршумул, бурилиш воқеа бўлди. Менинг имоним комилки, мен китобда ёзганимдек, бу инсон амалда мамлакатни вайроналардан чиқариб олди. Бу киши бўлмаганда, аниқ фуқаролар уруши бошланиб, ака-укага, ука акага, шаҳар-шаҳарга қарши қўл кўтарган бўлар эди. Қон тўкилар эди...

Ҳайдар Алиев томонидан республика ривожланиши учун тўғри йўл танланган эди. Мана 20 йилдирки Озарбайжон собиқ Президентининг ўғли – бугунги халқ Етакчиси Илҳом Ҳайдарович Алиев, оғишмай шу йўлдан раҳбарлик қилиб бормоқда»

Бундай дoston ёзиш учун ҳақиқий байналминалчи бўлиш, қардош халқни жон дили билан севиш керак...

Исмаил Кучиевнинг дostonини ўқир эканмиз, улуғ шоиримиз, Алишер Навоийнинг куйидаги мисралари эса тушади:

Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиғ иш.

Яшасин Озарбайжон ва ўзбек халқлари дўстлиги! Қилган олижаноб ишлари асрлар давомида куйланадиган Озарбайжон халқининг улуғ фарзанди Ҳайдар Алиевич Алиевнинг 100 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

С. Муллаева, Ш.Шукуров,

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш
ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази масъул
ходимлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сонли қарори ижроси ҳамда қарорга илова 2020-2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги дастури бажарилиши юзасидан Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг ҳудудий бўлимлари ва туман шаҳар бўлинмалари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан амалга оширилган ишларнинг тизимли назоратини ташкиллаштириш тўғрисидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги №10-5/2714-сонли хатига мувофиқ соғлом турмуш тарзи тарғиботининг асосий йўналишлари бўйича ҳафта кунлари номланди. Душанба — “Стрессларга қарши кураш куни”, сешанба — “Туз ва шакарни чеклаш куни”, чоршанба

— “Тамакисиз кун”, пайшанба — “Соғлом овқатланиш куни”, жума — “Пиёда юриш куни”, шанба — “Саломатлик куни” деб эълон қилиниб, турли тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, пайшанба — “Соғлом овқатланиш куни” да аҳоли ўртасида жами 10091 та “Соғлом овқатланиш ярмаркаси” тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, “Соғлом ва тўғри овқатланинг!”, “Соғлом овқатланиш алифбоси”, “Фаол ҳаёт тарзини танланг”, “Кун давомида фаол ҳаракатда бўлинг!”, “Қандли диабетда овқатланиш”, “Қандли диабетда жисмоний фаоллик”, “Йод танқислигини олдини олиш”, “Йодланган тузни истеъмол қилинг” каби бир қанча мавзуларидаги 35 турдаги буклетлар тайёрланди ва аҳоли орасида ўтказиладиган тадбирларда фойдаланиш мақсадида ҳудудий бўлимлар ва туман/шаҳар бўлинмаларига электрон шаклда етказилди.

Ҳафта кунлари бўйича белгиланган режага асосан, ҳафтанинг ҳар сешанба куни — “Туз ва шакарни чеклаш куни” муносабати билан туз ва шакарни кўп микдорда истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари бўйича тарғибот тадбирлари, жумладан, туз ва шакарнинг меъёрдан ортиқ истеъмоли юзасидан келиб чиқадиган касалликлар





профилактикаси бўйича тарғибот тадбирлари маҳаллаларда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилди. Туз ва шакарнинг ортиқча истеъмоли инсон организми учун зарар эканлиги, буларнинг ўрнига табиий маҳсулотлар истеъмолини кўпайтириш муҳимлиги тўғрисида маълумот берилмоқда.

“Соғлом овқатланиш куни”да тўғри овқатланиш бўйича тарғибот тадбирлари, жумладан, нотўғри овқатланиш ва камҳаракатлилиқ оқибатида келиб чиқадиган касалликлар профилактикаси бўйича тарғибот тадбирлари маҳаллаларда, таълим муассасаларида ўтказилди.

Тадбир иштирокчиларининг ҳар бирлари билан “Саломатлик кўрсаткичлари” бўйича савол-жавоблар ўтказилиб, саломатлик ҳолатлари бўйича тушунчалар бериб ўтилиши, соғлом овқатланиш тамойилига риоя қилиш муҳимлиги тўғрисида ва тана вазни кўрсаткичи юқори бўлган аҳолига мутахассислар томонидан тавсиялар берилиши йўлга қўйилди.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг ҳудудий бўлим ва туман/шаҳар бўлинмалари томонидан бирламчи

тиббий-санитария ёрдам муаассасалари тиббий ходимлари билан ҳамкорликда шу кунгача 17 767та тадбирлар ўтказилди.

Ташкил этилган барча тадбирларда жами 478 508 та киши иштирок этди. Иштирокчиларга ушбу мавзуларга оид, яъни соғлом овқатланиш мавзуларида 265 894 тадан зиёд тарқатма материаллари: буклет, лифлет, варақа ва эслатмалар тарқатилди.

Республика тиббиёт ходимлари томонидан шу кунгача, жами 17990 та оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, шу жумладан: 3523 та радиоэшиттириш, 573 та мақола, 868 та телекўрсатув, 12318 та ижтимоий тармоқлардан чиқишлар ташкиллаштирилди.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида Маркази расмий веб-сайти, телеграм канали, инстаграми ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида “Соғлом ва тўғри овқатланиш” борасидаги тавсиялар ва тадбирларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида қатор ижтимоий тармоқлар фаолият кўрсатмоқда.



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ

“Мақсадимиз - фаровонлик,
унга эришиш йўли ислохот,
барқарорлик эса шарт-шароитдир”.

Конфуций



Акмалжонҳар тонғни янги режалар билан кутиб олади. Ҳоким ёрдамчисига биркирилган ишлар анчагина. Унинг ҳаёлларини оиласидан ташқари маҳалладошларнинг муваффақиятлари, ташвишлари ҳам эгаллайди. Кимдир бемор, хабар олиши керак. Кимдир иморат ташвиши бор, туман мутасаддилари билан маслаҳатлашиш керак. Ҳуллас, кунда ё кунаро ўзи қутмаган муаммоларга ҳам дуч келади.

Акмал Мадрахимов 1978 йилда Урганч туманида шифокор ва ўқитувчи оиласида таваллуд топди. Мактаб таҳсили тугагач, Урганч давлат университетида таълим олди, дастлаб колхозда. 2004 йилдан давлат солиқ инспекциясида ишлай бошлади. Хоразм давлат солиқ инспекцияси бошқармасида, Янгибозор туман солиқ бўлимида ишлаб, элга танилди.

Ҳаёт чорраҳаларида кўп кечинмаларни бошидан ўтказди. 1989 йилда отаси Абдираим Мадрахимов вафот этди. Бу оилага қаттиқ таъсир қилди. Мактабни битиргач, 2002 йилгача колхозда ишлади. 3 нафар опаси ва акаси ўқишда ўқир, у онасига юпанч бўлди. Шу вақтларда колхозда ишлаб деҳқончиликни ўргангани мана бу кунларда асқотди.

Ҳоким ёрдамчиси вазифасида иш олиб борар экан, қишлоқ ҳаётига яна чуқур кириб борди. Илк бор хонадонларни бирма бир хатловдан ўтказди, муаммоларни ўрганди. 464 та хонадон, 780 та оила,

2645 нафар аҳолини онлайн платформага киритиб, тўрт тоифага ажратиб чиқди. Билдики маҳалладаги 80 фоиз аҳоли деҳқончилик билан шуғулланади.

Хоразм вилоят, Янгибозор туман, Тозадўрман маҳалласида жами пахта ва ғалладан бўшаган 27 гектар суғориладиган ерлар 107 лотга бўлиниб, Е-аукцион танловига қўйилди. Бу ерлар маҳалланинг ишсиз, ерга зарурати бор 107 нафар фуқароси томонидан ютиб олинди. Эҳтиёжманд оилаларга ва 2022 йил 1 март санасидан кейин ҳориждан қайтиб келган мигрантларга бўлиб берилиши таъминланди.

Маълумки, 30 сотих ери бор одам камбағал бўлмайди. Бир йилда ўртача икки марта ҳосил олади. Кузги буғдойнинг ўзидан 60 центнердан ҳосил олса, уни йиғиштириб олгач, яна ўз оиласига керакли маҳсулотни ўз вақтида экиб етиштириш билан оиланинг моддий ва маънавий имкониятини оширади.

— Февраль ойида “Бир маҳалла бир маҳсулот тамойили” асосида ерларга буғдой экилди. Танловга қўйилмасидан олдин қаровсиз ётган бу ерлар ўт босган, овлоқ, сув бориши қийин жойлар эди, — дейди суҳбат давомида Акмал Мадрахимов. — Танловда ютиб олинган, электр насос ўрнатилди, сув келтириш учун ариқлар қазилди, ерлар текисланди. Бу ишларда бизга Янгибозор тумани 2-сектор раҳбари, туман прокурори Ш. Иброҳимов ўз ёрдами аямади.

Ҳа, ишнинг кўзини билган одам янглишмайди. Биздан бугунги давр янглишмасликни, пухталиқни, меҳр-оқибатли бўлишни талаб қилади. Айнан инсон ҳаётининг заруратларини, имкониятларини тўғри англаб, унга тўғри ёндошмоқ ҳоким ёрдамчиларининг бугунги вазифаларидир. Биз уларга инсон омили етакчи куч бўлишида ташлаётган қадамларингиз қутлуғ бўлсин деймиз. Янги 2023 йил омадли, соғлом ва саодатли бўлсин, азиз элдошларим!

Шукуржон Жаббарова,
ўз мухбиримиз.

АБУ АЛИ ИБН СИНО:

ДЕҲҚОНЧИЛИК, БОҒДОРЧИЛИК ВА МЕВАЧИЛИК СИРЛАРИ

Собиржон АКРАМОВ,
профессор.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг турли соҳалар каби мева-сабзавотчилик, чорвачилик, ризоворчилик соҳаларига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Деҳқончилик инсон табиатининг узвий қисмидир. Шунинг учун у ҳамиша табиатга интилади, ундан озиқланади, дардига шифо топади, меҳнат қилиб натижасидан завқ олади ва манфаат кўради.

Қадимги зироатчилик усуллари жуда содда, арзон, энг муҳими инсон учун зарарсиз экологик тоза бўлган.

Шу усуллардан айримларини амалиётда қўллаш учун Абу али Ибн Синони сирларидан ҳавола қилмоқчиман.

Меванинг барвақ тўкилшига қарши амаллардан бири мевали дарахтга кўрғошиндан бир ҳалка ясаб, дарахт танасининг ердан озроқ баланд қисмидан (60 см) айлантирилса, ўша дарахтнинг меваси зиёда бўлади ва тўкилмайди.

Агар дарахт атрофи ковланса, ер юзасида бўлган томири ёрилса, ундан узунчоқ тош ўтказилса, сўнг тупроқ билан кўмилса, шу қандай мевали дарахт бўлишидан қатъий назар меваси саломат бўлади.

Анжир. Анжир ниҳолини экишдан аввал 3 кун тузли сувга солиб қўйилади. (10 литр сувга 0.5 кг. туз). Шундан сўнг экилади.

Агар анжирнинг ер остида бўлган томирига бирор нарса ёзиб (исми) қўйилса, мева қилгач, ўша исм мевасида пайдо бўлади.

Агар анжир дарахтининг томирлари шотут шарбати билан бўялса, мазкур дарахтнинг меваси тўкилмай туради.

Агар тузни майдалаб туйиб, анжир томирини тупроқдан очиб, ўша туз томирларга сепилса, шу дарахтнинг анжири тез пишади, меваси ширин, тоза рангдор бўлади.

Анжир дарахти ҳақидаги ривоятда “Оёғи сувда-ю боши офтобда” дейдилар.

Бодом. Бодом дарахтининг кўчати қуйидаги тартибда экилади, ҳайвонот гўнгини сувли (қўйники) идишга солиб, сувга бироз асал солинади (10 литрга 300 гр.). Сўнг бодомни 3 кеча-кундуз шу сувга солиб қўйилади, кейин экилади. Экишда уч томони тепага қилинади.

Агар бодомни чақиб, икки палла ичидаги мағзини ташқарига чиқариб, игна билан унга ҳоҳлаган исм, ёзув ёки бирор жумлани ёзса, сўнг пўчоғининг ичига қайтариб солиб, лух билан боғланади, озгина гўнгни тупроққа аралаштириб, унга суркалади, чуқур ковлаб ўша бодом экилса, бодом дарахт бўлиб, мева қилгач, унинг ҳар бир мағзида ўша ёзув пайдо бўлади. Тарихий манбааларда айтилишича, бу Абу Али Ибн Сино томонидан тажриба сифатида синаб кўрилган.

“ЖАҲОНГИРИ БЕХОНУМОН ЮРТ ЭДИ БУ”

Мансурхон Тоиров,
физика-математика фанлари доктори,
профессор.

Амир Темури забт этган давлатларнинг барчаси Чингизхон ҳамда унинг авлодлари томонидан топталган давлатлар бўлган.

Советлар даврида Амир Темури ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдик десам, албатта, ҳақ бўлман. Айтайлик, бирор кимса Амир Темурни мақтаб гапирса, масалан, мен унинг гапларига бир оғиз “бундай бўлган эди” ёки “бўлмаган эди”, деган жумланиям қўшаолмас эдим. Ёки бирор кимса Амир Темурни ёмонласа, уни ҳам рад қила олмасдим... Бу ҳолат бир неча кишини ҳисобга олмаганда, бутун бошли ўзбек халқига хос эди.

Ленинградда аспирантурада ўқирканман, илмий раҳбаримнинг бошқа бир аспиранти Георгий Эристави “Сизларнинг Темурингиз етти бора Грузияни оламан деб бориб, ололмай қуруқ қайтган”, деб писанда қилиб гапирди. Не дейишни билмайман. Эристави нима деганиниям яхши уқмай, меровланиб туравердим. У менга бироз қараб турдида, раҳми келдими ёки бу мавзуда ўзига муносиб бир ҳамсуҳбат тополмаганига иқрор бўлдими, ҳарқалай, бошқа ишлари билан машғул бўлди. Аслида у яхши, камтар, мендан ёши каттароқ йигит эди. Умуман, ўша йиллари менинг ҳолимга тушган, яъни тарихимиз бобидаги суҳбатларда ўзга халқ вакилларининг олдида ноқулай ҳолатга тушиб, меровланиб қолганлар озмунча бўлмаганига мутлақо, шубҳа йўқ.

Мақтабдаям, университетдаям тарих фанидан фақат “аъло” баҳоларга ўқиганман. Гап аслида нимада эди? Гап шундаки, бизда ўз тарихимиз бўйича сабоқ берилмасди, ҳисоби. Россия тарихи, Европа тарихи, КПСС тарихини қон томиримизга сингдириш ўша даврнинг асл мақсади эди. Иброҳим Мўминов кабиларнинг баъзи уринишлари кейинчалик бизга она халқимиз тарихини, унинг буюк фарзандлари

ўтган йўллари сал-пал илғаб олишимизга, тарих бобидаги тафаккуримизнинг бирмунча тўғри йўлдан оғиб кетмаслиги йўлида ёруғ бир маёқдек хизмат қилди. Лекин биз у маёқлар кўрсатган томон қандай юришни, кимга эргашишни, кимга ишонишни англаб ололмасдик.

Докторлик диссертациясини тайёрлаётган йилларим эди. Бир куни лаборатория-миздаги Ўзбекистондан борган аспирант йигитга ўша йиллари чоп этилган энциклопедиямизда ёзилган гаплардан мисол келтириб, “Ўз пайтида Амир Темури Тўхтамишни енгиб, Олтин Ўрда хонлигини хонавайрон қилиб, Россияни 300 йилликхорлик вахўрликдан озод қилган экан”, деб эдим. Бу сўзимни ҳамюртим ўша куниёқ лаборатория ходимлари тўпланиб қолганида ҳамда илмий маслаҳатгўйим борлигида оқизмай-томизмай гапириб, мени ёмон-отлиқ қилишга беандишаларча, урингани шу пайтгача қалбимни ларзага солади. Ҳаммамизга маълум, Павлик Морозов отасини сотган ўн яшар бола. Морозов ўз отасини сотгани ҳақидаги хабарни эшитган Сталин “Ну, подлец! Родного отца продал да... но из него надо сделать героя”, деб топшириқ беради. Шундан кейин манфаат, мафкура йўлида ҳаттоки, отасини сотадиганлар, сотганлар кўпайиб кетганига шубҳа йўқ. Шу боис, ўша ҳамюртимнинг мени сотишига бўлган уринишига мутлақо ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир ўз пайтида шундай сотқинлар Абдулла Қодирийни, Фитрат, Чўлпон, Хайринисо, Ойбек, Шароф Рашидов, Ҳамид Сулаймон, Хусанжон Ғозиев, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирождидинов, Восил Қобулов ва бошқаларни сотган.

Биз ўша йиллари айрим сабаб, бирор юбилей шарофати билангина юқориноқ минбардан ўзбекнинг тарихини яхши дея олардик. Лекин у тарихнинг нимаси яхши, бу ўзбек

деган миллатнинг нимаси яхши — бу ҳақда бирон-бир асосли гаплар бўлмас эди, ҳисоб. Айтайлик, ўша пайтдаги барча кўзга кўринган адабиётларда Ал-Хоразмий — араб, Беруний — араб, Ибн Сино — форс, Фаробий — араб, Фарғоний — араб олими деб бериларди. Яъни биз ўзбеклардан тузукроқ олим чиқиши гўёки генимиз учун ақлга сиғмайдиган ишдек кўрсатиб келинарди. Шундай чиқишлар, айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари бошида жуда ҳам авж олиб, “илмий асослангани” ҳақидаги мақолалар чиқа бошлагач, ўша даврнинг машхур файласуф олимларидан Эркин Юсупов марказий матбуот нашри ҳисобланмиш “Правда” газетасида раддия мақоласини эълон қилди. Мақола газета бир бетининг олтидан бир қисмича жойни эгаллаган бўлиб, агар хотирам панд бермаётган бўлса, 5-саҳифанинг куйи колонкасида берилган эди. Бу мақола ўша даврнинг кибрли одамларига қанчалик таъсирини ўтказган хабарим йўқ-ку, лекин ҳарна бизга бир далда бўлиб, қувонч бағишлаган эди.

Ўзбек миллатининг ўзини англаб қолишидан ҳайиқиш бўлса керакки ҳатто асрлар давомида “Ўзбек хонлиги” деб аталиб келинган улкан салтанат ҳам ўтган аср ўттизинчи йиллари охирига келиб, Якубовский киритган термин асосида “Олтин Ўрда” дея аталадиган бўлди. Ҳаттоки, буюк шоиримиз Алишер Навоийни расмий равишда ўзбек шоири деб аташга ўтган асрнинг 30-йиллари охирида, Сталиннинг рухсати олингандан кейингина жазм қилинди, холос. Бу хусусида буюк шоиримиз Абдулла Орипов камина ҳам иштирок этган тор доирадаги суҳбатда бир воқеани сўзлаб берган эди. Маълум бўлишича, 1939 йили бўлса керак, Ўзбекистонда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кўришга ҳамда бунинг учун Сталиннинг рухсатини олишга зарурат туғилади ва казозкаларнинг имзоси қўйилган хат Сталинга жўнатилади. Ундан ижобий жавоб тез кунларда

келиб қолар деган умид билан юбилей тадбирларини қандай ўтказиш масалалари муҳокама қилинадиган йиғин куни бир неча ой олдинроқ белгиланади. Лекин марказдан ҳадеганда жавоб келавермайди ва Сталин Алишер Навоийнинг ўзбек шоири эканини тан олмабди, деган миш-мишлар ҳам тарқалади. Шундан сўнг ўша миш-мишлар асосида ҳамда ўзининг ҳам паст назарлиги сабаб юбилей тайёргарлигига бағишланган йиғинда бир қатор фалончи писмадончиевлар, уларнинг сафида баъзи шоир-у ёзувчилар ҳам минбарга кўтарилиб, “Навоий ўзбек шоири эмас, ..шунинг учун биз ушбу юбилей масъулиятини зиммамиздан соқит қилайлик...” деган мазмунда маърузалар қилишади. Гапнинг қисқаси, Алишер Навоий ўзбек шоири эмас, деган қарор қабул қилиниб, ҳужжат тайёрланиб, уни овозга қўйиб ва бир оғиздан маъқуллаб (маъқулламай кўришсинчи! — М.Т.), имзоларни қўйиб, тахт қилиб туришганида Сталиндан хабар келади. Унда “Поздравляю узбекский народ с его великим поэтом Алишером Навои” деган сўзлар ёзилган эди...

Қатор ёзувчи ва олимларимизнинг қачонлардир советлар синдириб ташлаган қаламларини қайтадан чарҳлаб, Амир Темур ҳаёти ва тарихи ҳақида ижод этаётганлари, ушбу сиймони янада чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиб боришаётгани, албатта, бизнинг бахтимиз бўлди. Бу улуғ сиймонинг ҳаёт йўлини ўрганишга чет эллик олим ва ёзувчилар ҳам бир қадар киришганликлари, қувонарли. Бироқ бу изланишларда у зот билан боғлиқ кўпгина воқеликларга ғаразли ёндошувлар ҳам учраётганини назардан қочирмаслигимиз керак. Бундай ёндошувларни бефарқ қолдириб бўлмайди.

Амир Темур забт этган 26 давлатнинг барчаси у ёки бу даражада мўғил босқинчилари — Чингизхон ҳамда унинг авлоди қарамлигига тушиб қолган, мўғуллар томонидан топталган

давлатлар бўлган. Бу рўйхатга бизнинг ўлкамиз ҳамда Россия ерлари ва халқи кирмайди.

Қани, ушбу масала юзасидан асосан, советлар даврида нашр этилган энциклопедиямизда Амир Темур, Олтин Ўрда, “Куликов жанги”, Тўхтамиш, Мамай, Дмитрий Донской ҳақида келтирилган маълумотларга суянган ҳолда ҳамда улар билан мантиқан чамбарчас боғланиб кетган баъзи тарихий воқеликларни ҳам эслаб, тадқиқ этиб, фикр юритиб кўрайликчи. Олтин Ўрда хони Мамай княз Дмитрий Донскойнинг иккинчи йили ҳам вассаллик хирожини тўлашдан бош тортганидан сўнг 150 минг сарбози бўлган қўшин билан Москва томон юриш қилади. Мамайнинг 150 минг кишилиқ қўшини келаётгани дарагини айғоқчилардан эшитган Дмитрий Донской ҳам 150 минг кишилиқ армияси билан Москвадан Куликов майдонига чиқиб боради, ўша ерни жанг қилишга қулай топиб, Мамай қўшинини кутиб туради. Мамай Дмитрий Донскойнинг армияси солдатини кўриб, Москвага юришни тўхтатади. Баъзи тарихий манбаларда икки қўшин ўртасида жанг бўлгани ҳақида гапирилса, баъзан Мамай орқага — Олтин Ўрдага жанг қилмай қайтиб кетган деган, фикрлар ҳам баён этилади. Бундан бир неча йил бурун бир мақолага кўзим тушганди. Унда ўша Куликов майдонининг бир ерида кўплаб инсон суякларинг қолдиқлари топилгани ҳамда бу топилмалар “Куликов жанги” иштирокчиларига тегишли бўлиши керак деган хулосага келингани ёзилганди. Қуйида қавс ичидаги сўзларга эътиборингизни қаратишни ўринли деб топдим: (Также это слово присутствует в другом русском произведении — “Сказании о Мамаевом побоище”. Очевидно, что знание автором “Задоньины” слова КАТУН указывает на его знание кипчакского языка, и он желая придать тюркский колорит (который тогда был в “топовом рейтинге” среди русских), вложил в Уста Мамаю фразу, заменив в ней русское слово “жена” на тюркское КАТУН. Отметим, что в этой битве русская сторона выступала не как самостоятельное лицо, а как вассалы и подданные законного Чингизиды — хана Тохтамыша, с которым у Мамаю происходила в то время борьба за власть (Айдин Нагиев Лига Тюркских Народов (ЛТН)).

Мамай ўз қўшини билан Олтин Ўрдага қайтиб боргач, кўп ўтмай уни салтанатни шарманда қилганликда айблаб, ўлдиришади ҳамда Мамайнинг бўшаб қолган тахтига Амир Темурни қўллаб-қувватлаши билан унинг йигитларидан бири бўлган Тўхтамиш ўтира-

ди. Яъни, Олтин Ўрда хони Амир Темурнинг йигитларидан бири - Тўхтамиш “Куликов жанги” бўлган санадан бир йилни оралатиб Москвага ўз қўшини билан кириб боради, (яъни, Амир Темурнинг йигити Москвага кириб боради дегандек, гап-ку! — М.Т.). Москвага ўт қўяди ҳамда Дмитрий Донскойни тиз чўктириб, аввалги уч йиллик ҳамда кейинги уч йиллик хирожни ундириб, катта ўлжа ва бойликлар билан салтанати пойтахтига — Сарой Беркага қайтади. Ушбу юришдан сўнг, Тўхтамишнинг ўзига ишончи ортиб кетади. Москвадан ўлжага олинган бойликлар унга тинчлик бермай қўяди. Ўзини Амир Темурдан кўра қудратлироқ сеза бошлайди. Ва натижада Амир Темур салтанати чегараларига бир неча бор у ёки бу баҳоналар билан бузиб киради. Амир Темур Тўхтамишни тийиб қўйиш учун уч бора юриш қилишига тўғри келади ва ниҳоят, учинчи юришида Тўхтамиш қўшинини яксон қилади. Уни тутиш ниятида ортидан қувиб Москва шаҳрига яқин жойлашган Елецк шаҳригача кириб боради. Максим Алонсев кабилар ўз мақолаларида Амир Темурни Елецк шаҳрига ўт қўйганга чиқаришади. Амир Темурга Елецк шаҳрига ўт қўйишнинг ҳожати йўқ эди. Унга Елецк шаҳри ҳеч қандай ёмонлик қилмаганди. Тўхтамишни ё ўлик, ё тирик қўлга тушириш керак эди, холос. Елецк шаҳридан Москвагача бир қадам қолган эди. Шаҳар у пайтда ҳозирги каби катта пойтахт эмас, балки, фақатгина, Москва князлигининг пойтахти ҳисобланарди.

Тўхтамиш Москвага бостириб кириб, унга ўт қўйгани, Дмитрий Донскойни тиз чўктириб, 6 йилик хирожни ундириб, Москвани харобага айлантиргани, култепа қилиб ташлаб кетганидан Амир Темурнинг хабари бор эди ва шунинг учун ҳам Москвага қўшин билан кириб бормаган. Мабодо, Москвага кириб боргудек бўлса, шаҳарнинг ёнган уйларини тикламай, минг-минглаб хонавайрон бўлганларнинг бошини силамай, хайру эҳсон қилмай кетиш Амир Темур учун хос эмасди. Шу боис, у Москвага қўшин тортиб бормай, Москва халқини ўз ҳолига қўйиб, қўшини билан Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркага қайтиб кетади ҳамда у шаҳарни бўйи ва эни бўйлаб, омоч солдириб ҳайдатиб ташлайди. Балки, Тўхтамиш Москвага ўт қўйганининг ўчи сифатида шундай ишга жазм қилгандир. Шу тарзда Амир Темур Олтин Ўрда хонлигини яксон қилиб тугатади. Унинг ўрнида 7 та хонлик тузилади ҳамда Россиянинг мўғуллар исканжасидаги 300 йиллик тобеликдан қутилиши учун кенг йўл очилади. Ҳозирги пайтда Сарой Берка шаҳри ўрнида кичик бир қишлоқ бор, холос.



Амир Темур Москвага раҳим қилганидангина бормадимикин? Ҳаммамизга маълум: Амир Темур ҳамда Ҳусайннинг қасамёдини бир ёдга олайлик. Уларнинг қасамёди маъноси она диёрни мўғулларга бўлган қарамликдан озод қилиш бўлган эди. Балки, бу қасамёдда мўғуллар исканжасида қолган барча халқларни озод этиш нияти ҳам ётганмиди... Ким билади, дейсиз? Лекин Ҳусайн Амир Темурга хиёнат йўлига ўтгач, соҳибқирон томонидан қатл этилади. Қасам ижроси фақат Амир Темурни ўзининг зиммасида қолган. У ўз диёрини мўғуллардан озод қилгач, “Куч — адолатдадир” шиори остида мўғуллар забт этган барча мамлакатларни тозалашга киришади. Мўғуллар босқинига учрамаган ерларга Амир Темур оёқ босмаганига эътибор қаратайлик. Ҳаётининг охирида мўғуллар салтанатининг пойтахти томон юриш бошлаганида, Ўтрорда қаттиқ шамоллашдан сўнг вафот этади.

Лекин Амир Темурнинг бу юришларига босқинчилик деб қараш урф бўлган. Бунда, айниқса, Якубовский каби тарихни чалкаштирган тарихчиларнинг хизмати катта бўлган. Европа давлатларининг бир неча подшоҳлари Амир Темурнинг юришларидан огоҳ бўлиб турган ҳамда унинг юришларида мўғуллар мустамлакага айлантирган давлатларга озодлик, мустақиллик ҳада этилаётганини яққол

пайқашган. Шунинг учун ҳам улар Европа давлатларини Боязиднинг тажовузидан қутқаришни Амир Темурдан илтимос қилишга жазм қилишган. Бундай мурожат учун Амир Темур билан дўстона муносабатлар ўрнатган бўлиши керак эмасми?! Европа ҳукмдорлари Амир Темурнинг режаларини ва қалбини тўғри уққан. Унинг юришлари Александр Македонский, Боязиднинг ҳамда мўғул босқинчиларининг юришларидан тубдан фарқ қилганига амин бўлишган...

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлат Франция. Ўша пайтдаги Франция Президенти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Францияга давлат ташрифи билан келишга таклиф қилди ва уни эъзозлаб кутиб олди. Ислом Каримов адолат йўлини маҳкам тутди ҳамда Амир Темурни бизга буюк сиймо қилиб танитди. Советларнинг у ҳақидаги барча уйдирмаларини чиппакка чиқарди, буюк аждодимизни Буюк Амир Темур, деб номлашдан сабоқ берди, ўрнак бўлди... Унинг шарофати билан мустақилликка эришдик, динимизга қайтдик, урф-одатларимизни, ишончли, рост тарихимизни қайта тиклашга интилдик, шу билан бир қаторда, Амир Темурдек буюк аждодимиз шон-шавкатига ҳам қайта эришдик.



УЛУҒ БОҒБОН – АЛЛОМА

АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВНИНГ САБОҚЛАРИ

Носир Тоиров,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси,
меҳнат фахрийси.



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари арафасида, Тошкент вилоятида бўлиб ўтган учрашувда, давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқалар қатори, катта эҳтиром билан марҳум академик Маҳмуд Мирзаевич Мирзаевни ҳам тилга олганларини, мен ҳали-ҳали мамнуният билан эслайман. Чунки бу улуг аллома билан кўп марта учрашган, суҳбатлашганман, иш юзасидан маслаҳатлар олганман...

Маҳмуд Мирзаев 1921 йилда таваллуд топган бўлиб, 1943 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини (ҳозир Тошкент аграр университети) тамомлаган. Шу йилдан бошлаб, Оржоникидзе (ҳозир Қибрай) туманидаги боғдорчилик – узумчиликка ихтисослаштирилган совхозда агроном, бош агроном бўлиб ишлайди. Тез орада у ўзини ишни кўзини биладиган мутахассис ва ишлаб чиқариш моҳир ташкилотчиси сифатида намоён этади...

Шуни қайд этиш керакки, мен билан бўлган суҳбатларнинг бирида, Маҳмуд Мирзаевич иккинчи жаҳон уруши даҳшатли жанглари давом этаётган пайтда – 1943 йилда, Ўзбекистонлик яна

иккита агроном билан биргаликда, ўша пайтдаги СССР раҳбари бўлган Сталинни қабулида бўлганликларини гапириб берган эдилар. “Биз Москвага етиб бориб, меҳмонхонага жойлашдик. Имконият бориша шаҳарни айландик. Бир ҳафтадан кейин учовимизни Кремлга олиб боришди. Сталинни олдиға кирганимизда, у қўлида трубкаси билан тикка турган экан. Кириб сўрашганимиздан кейин, у киши бизга “Ўтиринглар”, - деди ва “Уруш кетмоқда. Даҳшатли уруш. Ҳалок бўлганлар ярадорлар кўп. Фронтга кўплаб сабзавот, ҳўл мева, витаминлар керак... Сизларға муваффақиятлар тилайман!”, - деди-да, бизға жавоб берди.

У пайтда биз Сталинни дохий, улуг инсон деб билар эдик. У киши ҳақидаги ҳақиқатни фақат кўп йиллардан кейин билдик... Москвадан қайтиб, бўлган суҳбатни ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари Усмон ота Юсуповға айтиб бердик. У киши бизни диққат билан тинглаб, кейин юртимиз бўйича барчани фронтга ёрдам бериш ишларини янада кучайтиришға даъват этди...

Маҳмуд Мирзаев “Қибрай” хўжалигида фаолиятини давом эттирар экан, тинмай ўз устида ишлади, илмий изланишлар олиб борди, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доктори даражасига эришди. Истеъдодли олим 1949-2000 йиллар давомида бугунги кунда, ўзини номи билан аталаётган боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилди. Ўзи раҳбарлик қилган институтдан ажралмаган ҳолда, Маҳмуд Мирзаев турли йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари, вазир вазифасини бажарувчи бўлиб ҳам фаолият кўрсатди...

М. Мирзаев раҳбарлигида Институтда боғ ва токзорлардан мўл ҳосил олиш агротехникаси ишлаб чиқилиб, республиканинг ҳамма туманларида татбиқ этилди. Боғдорчилик ва узумчиликни ихтисослаштириш масаласи ҳал қилинди. Институтда мева, резавор, мева ва токнинг биологик хусусиятларини ўрганиш, янги ўзлаштирилган ерларда, тоғ этаги ва тоғ туманларида, шу жумладан Сирдарё, Жиззах вилоятларида, Фарғона водийсининг тошлоқ



худудларида боғдорчилик ва тоқчиликни ривожлантириш, қоқи ва майиз қуриштиш ҳамда саклаш технологиясини такомиллаштириш, мева дарахтлари ва тоқларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш усуллари яратиш, боғ ва тоқзорларда механизацияни кенг жорий этиш, кўчат етиштиришда замонавий усуллари қўллаш ишлари олиб борилди ва бу борада қўплаб ютуқларга эришилди...

1978 йилда М.Мирзаев Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси мухбир аъзоси ва 1983 йилда ҳақиқий аъзоси этиб, 1992 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси аъзоси этиб сайланди. Профессор Маҳмуд Мирзаевга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва Меҳнат қаҳрамони фахрий унвонлар берилган эди. Мустақиллик йилларида “Дўстлик”, «Эл-юрт хурмати» орденларига сазовор бўлди. Вафот этганларидан кейин, Маҳмуд Мирзаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди (2003 йил).

Маҳмуд Мирзаевич ҳақида гап борар экан, хотирамга муҳрланиб қолган баъзи воқеалар кўз олдимдан ўтади... 1975 йилда Тошкент вилоятида Тошкент тумани ташкил этилди ва унинг таркибига бошқа бир қанча ташкилотлар қатори, М.М.Мирзаев раҳбарлигидаги институт ҳам киритилди. Мен бу пайтда туман партия қўмитасида тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишлар эдим ва иш юзасидан Маҳмуд Мирзаевич билан учрашиб турар эдим... Кунларнинг бирида бўлимимиз бир ташаббус билан чиқди: туманда 6 киши Меҳнат қаҳрамони эди шу пайтда. Уларнинг орасида иккита сут соғувчи, битта бригадир, иккита

хўжалик раиси ва академик М.Мирзаев бор эди. Шуларни расмларини катта қилиб рассомга чиздириб, партия қўмитаси биноси рўпарасига ўрнатадиган бўлдик. Бу туманимизни обрўсини оширишга, республикада тезроқ яхши ном чиқаришига ва табиийки, туманимиз учун меҳнат аҳли, барча аҳолида фахр-ифтихор туйғусини ошириши лозим эди. Рассомга қаҳрамонлар фотосуратларини етказиб беришимиз керак бўлди. М.Мирзаевдан бошқа қаҳрамонлардан суратларни олиб, рассомга топширдик. Лекин Маҳмуд ака сурат юбормадилар. Олдиларига боришга мажбур бўлдим. Маҳмуд Мирзаевич менга : “Сут соғувчиларни, бригадирларни суратини ўрнатиш яхши. Энди менга келсак: мен Олий Совет депутати бўлсам, Марказком аъзоси бўлсам. Бу нокамтарлик бўлади”, - деб ўз фикрларида туриб олдилар. Анчагача гаплашдик, фикримизни ўтказишга ҳаракат қилдим. Охири академик “Қўймадингизда... Нима дейман. Шу сурат ўрнатиш янги туманни обрўсини оширишга ҳақиқатдан хизмат қилса, суратни берганим бўлсин”, - деб менга фото-суратни узатдилар. У киши шундай камтар Хазрати инсон эдилар...

Бир йил республика партия қурултойи бўладиган бўлди. Вилоят партия қўмитасидан қўнғироқ бўлди: “Маҳмуд Мирзаевич қурултойда сўзга чиқадилар. Эртага соат 18.00 да нутқлари матнини бизга етказсинлар”, дейишди. Топшириқни Маҳмуд Мирзаевичга етказдик. Эртасига вилоят партия қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлими мудири В.Хегай менга жаҳли чиқиб қўнғироқ қилди: “Бу нима деган гап: ҳалигача М.Мирзаевнинг нутқи бизга етиб келмади. Тез бизга етказишни ҳал қилинг”.





Кеч бўлишига қарамай институтга йўл олдим: Маҳмуд Мирзаевич институтни ўзида яшар эдилар. Хафа бўлиб гапирган сўзларимни эшитиб, у киши: “Қурултойга ҳали икки ҳафта бор. Мен нутқимни тайёр бўлганда етказаман. Ҳозир уни тайёрлашга вақтим йўқ”, - дедилар. Мен: “Нутқингизни бугун талаб қилишяпти. Қўлингизда шунча олим ходимлар бор, қолаверса партия ташкилоти котиби Равшан Абдуллаев бор. Бирортасига топширсангиз, тезда ёзиб беришади-ку”, - дедим. Маҳмуд Мирзаевич: “Ука, мен нутқларимни ўзим ёзаман. Бошқалар мен нима дейишимни қаердан билишади? Вақтим бўлганда ёзиб, ўзим обкомга етказиб бераман. Сиз бораверинг. Улар билан ўзим гаплашаман”, - дедилар ва мен қайтиб кетдим. У киши шундай принципа, сўзи билан иши бир инсон эдилар...

Бир пайтлар ҳар бир туманда “чет элдан келадиган меҳмонлар ташриф этадиган объектлар” рўйхати бўлар эди. Табиийки, М.Мирзаев раҳбарлигидаги институт ҳам Тошкент туманининг шундай рўйхатига кирган эди ва мен вақти-вақти билан турли хорижий делегациялар ва яқка келган нуфузли меҳмонларга ҳамроқ бўлиб борар эдим. Барча меҳмонлар боғлар, гулларни кўриб, Кенсойни айланиб, ҳайрат билан, Маҳмуд Мирзаевич ва унинг шогирдлари юксак маданиятига, бунёдкорлик ишларига офарин айтиб кетишар эди. Маҳмуд Мирзаевич айтардилар: “Шароф Рашидович бизга доим тайинлайдилар: республикамизга келган ҳар бир меҳмон Ўзбекистонни обрўсини оширишга хизмат қила-диган тарғиботчи, ташвиқотчи бўлиб кетиши керак”. Шунинг учун биз барча меҳмонларни кўнглини олишга, эришган ютуқларимиз билан очиқ ўртоқлашишга ҳаракат қиламиз”...

Халқимиз мустақилликка эришгандан кейин, Маҳмуд Мирзаевич биринчилардан бўлиб, янги тузилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирдилар ва унинг фаолиятида астойидил иштирок этдилар...Мен мазкур партия Марказий Кенгаши аппаратида

ташкилий бўлим мудирини бўлиб ишлаган пайтимда барча тадбирларда, таклиф қилсак, ҳозир бўлиб, конкрет таклифлар берар эдилар. Партиямиз газетаси “Ўзбекистон овози” газетасига алоҳида меҳрлари бор эди. “Бу газетага бир пайтлар халқимизнинг ажойиб фарзанди, раҳматли Шароф Рашидович бош бўлганлар”, - деб ардоқлардилар. Биз ҳар йил газетамиз ташкил этилган кунни байрам сифатида нишонлаймиз. Бир йил партия ходимлари, газетамиз ижодкорларини институтнинг ажойиб гўшаси – Кенсойга таклиф қилиб, Маҳмуд Мирзаевич ўзлари бош бўлиб тадбир ўтказдилар...

Маълумки, республикада боғдорчилик, узумчилик ва виночилик соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш, янги экспортбоп навларни яратиш, уларнинг турларини кўпайтириш, мева ва узум навларининг генофондини сақлаш ва бойитиш, хорижий нуфузли илмий муассасалар билан халқаро ҳамкорликни кучайтириш, илмий салоҳиятни янада ошириш, интенсив қўчатчилик тизимини йўлга қўйиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларни маҳсулотлар етиштиришга их-тисослаштириш, ҳосилдорликни ошириш, замонавий ресурсларни тежайдиган техно-логияларни ишлаб чиқиш ҳамда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилда “Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилган.

Айни пайтда академик Маҳмуд Мирзаевнинг юзлаб шогирдлари ушбу Қарорни амалга ошириш, устозлари анъаналари, бошлаб қўйган ишларини давом эттириш, давлатимиз раҳбари бошчилиги ва у киши билан биргаликда Янги Ўзбекистонни қуриш ҳамда III Ренессанс асосларини яратишга муносиб ҳисса қўшиш бўйича, баракали иш олиб боришмоқда.

БАҲОР! БАҲОР! УМР БАҲОРИ!



Бобур Бобомурод,
шоир,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

АЙТИНГ

Товуш бердим, садо йўғ,
Чўлдамани ё, айтинг.
Дилда бўлар адо чўғ,
Кўлдамани ё, айтинг.

Руҳим мисли капалак,
Гулдамани ё, айтинг.
Кўнглим куйдирди малак,
Кулдамани ё, айтинг.

Бош ғурра, елка қадоқ,
Дўлдамани ё, айтинг.
Манзили гум, беадоқ —
Йўлдамани ё, айтинг...

Биллур илиб, зар поёндоз тўшаш мумкин,
Дур лаганда тансиқ таом ошаш мумкин.
Одам қилган ишни одам уддалар-ку,
Муҳаббатсиз фақат қандай яшаш мумкин.

Кўксингдаги кесак эмас, юрак бўлса,
Инсон деган кимгадир сал керак бўлса.
Бу дунёда яшашдан бир тилак бўлса —
Муҳаббатсиз, айтинг, қандай яшаш мумкин.

Тақдир этса, йигит мингай юз саманни,
Ёш ўтди, деб совутгайми куз танамни.
Саксонда ҳам севиб қолгум қиз санамни!...

Муҳаббатсиз, ахир, қандай яшаш мумкин.

Тош бўлса ҳам меҳр кўрса кетгай ийиб,
Ошиқ кўнгил ўз ёрига етгай суйиб.
Севмас бўлса Бобур умри ўтгай куйиб,
Муҳаббатсиз, билмам, қандай яшаш мумкин...

Меҳринг мисли шабнаммиди,
Соғинганим кўкламмиди.
Хазон, қорим билгаймисан,
Ё баҳорим бўлгаймисан.

Ой бўлгум, деб кечалари,
Алдадилар нечалари.
Мунг, озорим билгаймисан,
Ё мадорим бўлгаймисан.

Сахро бўлдим — ҳосил қайда,
Дарё бўлдим — соҳил қайда.
Дил шудгорим билгаймисан,
Ё канорим бўлгаймисан.

Излай-излай юлдузимни,
Йўқотдимми илдизимни.
Сарсон, зорим билгаймисан,
Ё қарорим бўлгаймисан.

Кўзни ёпсам, дилни топсам,
Ўзни топсам, гулни ўпсам.

Эй гул, хорим билгаймисан,
Ё гулзорим бўлгаймисан.

Бирга-бирга кетармидик,
Минг бир сирга етармидик.
Йўғу борим билгаймисан,
Ё дилдорим бўлгаймисан?!...

УМР БАҲОРИ

Зар бешикка қуёш беланди,
Шошма! – деб ой тонгга эланди,
Туну кунлар шундай уланди –
Оқаётир йиллар анҳори,
Қайтармикан умр баҳори?

Тўлмай туриб юраклар музга,
Узримиз бор муниса кузга,
Айтарми дўст дил розин бизга –
Ўртамизда ғурур девори,
Қайтармикан умр баҳори?

Сочимизга қировлар инди,
Бахт отига бировлар минди,
Дилда бўлак сўровлар тинди –
Қуламасдан ҳаёт чинори,
Қайтармикан умр баҳори?

Қўнгил ҳануз меҳр сўрайди,
Соғинчига гуллар ўрайди,
Муҳаббатим деб йўл қарайди –
Бобурни ҳам тутди хумори,
Қайтармикан умр баҳори?

Баҳор! Баҳор! Умр баҳори!
Орзуларим, умид наҳори!
Баҳор! Баҳор! Умр баҳори!
Қайтармикан умр баҳори?

ЖОНИМ ДАДАМ

Қиблагоҳим, бузрукворим,
Сиз мўътабар, жоним дадам.
Ҳаётимга зиёкорим –
Шамсу, қамар - жоним дадам.

Умри ўтиб меҳнат билан,
Аччиқ-ширин заҳмат билан.
Чой ичмаган миннат билан –
Юксакназар жоним дадам.

Ҳалол топиб ризқимизни,
Улғайтириб ўғил-қизни.
Ўйлагансиз мудом бизни,
Рўзғорпарвар жоним дадам.

Бир хил туриб мўлу, камда,
Далда бўлиб гоҳо ғамда.
Қаттиққўлим керак дамда,
Ҳазрат падар - жоним дадам.

Элда юриб, кезиб олам,
Киши кўрдим анча мен ҳам.
Тополмадим лекин одам –
Сиздай камтар, жоним дадам.

Бобур айтар: Чин савлатим,
Розилиги - шон-давлатим.
Дуогўйим, ғаниматим,
Шому, саҳар - жоним дадам!



“ЕРНИ ЭЪЗОЗЛА ТУПРОҚ БЎЛМАСДАН ТУРИБ”



Жозиба,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Назаримда қачонлардир бир улуғ инсон томонидан айтилган бу сўзни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Инсон яшашга қанчалар ҳақли? У ўзига берилган умр йўлларида Яратгувчи томонидан берилган неъматларга қандай муносабатда бўлмоқда? Яшаш ўзи нима ва у биздан нималарга эътиборли бўлишни талаб этади? Ернинг бизга берган ризқу рўзи, эҳтиромига, тупроқ, сув, ҳаво, олов каби инъомларига қандай муносабатдамиз? Нимани хор қилсанг шунга зор бўласан, деган қадимий алмисоқдан қолган бўлсада ҳануз истеъ-молимиздаги иборани унутмадикми?

Ҳа, саволлар анчагина, муаммолар ундан ҳам кўп. Деҳқон айна баҳорнинг баҳрини, бағрини соғинган, даласига йўл оларкан, қадимий ўша кетмонини елкасига қўйиб кенг далаларга сув очади. Унинг қўллари тупроққа тегдими, демак кўкаламзорлаштириш, экиш, гуллаш фасли яна ёшаради. Унинг қўллари тегиб парваришланган ниҳоллар унади, гуллайди, мева беради, ҳечда соя беради, элга нафи тегади. Қўчатчилик руҳияти унинг жисми жонига она сути билан, она алласи билан киргандек гўё:

Эл севган зот, улуғ бўлсин аллаё,
Боғ яратсин, гуллар эксин аллаё,
Ватан кутган фарзанд бўлгин аллаё,
Алла болам униб ўсгин аллаё...

Устозимиз Омон Матчоннинг “Қуёш соати” китобида тупроқ, деҳқон ва шоир ҳақида шундай сатрлар бор:

Бу тупроқнинг тилини деҳқон била-ди,

шоирлару билан юлдузлар орқали гап-лашадилар.

... Бир шоир қаламини тушириб қўйиб сира тополмаган эди. Неғалигини энди тушундим: Ерга теккан заҳоти илдиз отиб, қаламча кўчат бўлиб қолган экан ўша қалам!

О, Ўзбекистон тупроғи, сендан ўрганмоқ керак шоирликни!

Ҳа ҳокисорликни деҳқондан, шоирликни она Ер, қутлуғ макон Ўзбекистондан ўрганмоқ лозим. Шу ўринда “Деҳқонга баҳшида” ёзган эдим:

Баҳорда уйғонди менинг деҳқоним,
Далага таралди оби равоним,
Экаман унгай дер ризқим омоним,
Тунга уйқу бермай яшар деҳқоним!

Ана далаларнинг суръат ҳузури,
Наврўзда уйғонар элнинг ғурури,
Чинакам меҳнатнинг шундай сурури
Тунга уйқу бермай кезар деҳқоним!

Олтин башоқларни силаган қўллар,
Хирмони бўйидан қувонган диллар.
Орзуси, шодлиги далада унар,
Тунга уйқу бермай кезар деҳқоним!

Этигин лойини қоққанча фурсат
Ухлаб оламикан...? Далада ҳаёт!
Дунёнинг ишига керакдир ҳурмат,
Тунга уйқу бермай кезар деҳқоним!

Оила, рўзғорда ҳамма нарса бор,
Эл ризқи, тўкинлик кўнглида такрор.
Дала бўйларига дил тортар ҳуммор
Тунга уйқу бермай кезгай деҳқоним!

Нега ухламайди? Дала ухлмас,
Буғдой ҳиди билан қоришиқ бир сас.
Иссиқ еллар эсар, юлдузлар ҳам маст
Тунга уйқу бермай кезса деҳқоним!

Комбайн ҳам далада бир жавлон урса
Хирмон уюмлари кўкка бўй чўзса.
Юзим ёруғ дейди Аллоҳим берса
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Ишидан у мамнун тин олмас ҳам,
Юртбошим сўзи сўз ташлайди қадам.
Яратган ҳақиқа дуоси қасам
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Фақат бир кун учун ташламас қадам
Экса уруғ дилида қўр, юракда Олам!
Ҳорғин чориғини судраганда ҳам
Тунга уйқу бермай кезар деҳқоним!



Рангин дунёларни далада кучар,
Ошно оғайнини далада кутар.
Эҳтиром, ҳурматни даладан топар
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Жаннатдан ҳайдаган чоғда Одамни
Аллоҳ саодатли қилган ҳар дамни
Нон ҳидига тўлдирган ушбу Оламни
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Жим турма, суйлагин сенгадир навбат,
Кўксингни нишонлар қоплайди албат.
Сочинг далаларда оқарсада бахт,
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

На кеча, на кундуз билмагай тиним,
Натижа ўй кезар дилида маълум.
Ҳаловат хирмони тўлганда доим
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Юлдузлар сеҳридан нур олган кўлам,
Шодлигин далада уйғотган Одам!
Меҳри тонг қуши ул Ҳумога қасам
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Ўзи нима бўлди, менга бу кеча,
Куну тун далалар ҳаёлда кезса.
Отам қизиман мен хирмони тўлса
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Боғидан боғ унар, дилидан баҳор,
Яшиллик элига ёзган хати бор.
Умрининг ҳар дами шижоат такрор
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Байрамга тухфа бор, режалари юз,
Юрак тафти билан экди ризқу рўз.
Даласига Хизр келган деҳқонга бер сўз:
Тунга уйқу бермай кезган деҳқоним!

Ёзиб ҳам тинчимас савдойи кўнглим,
Деҳқон бор эл тўкин, дастурхон сўлим!
Жозиба дунёда бир ҳаёт кўрдим,
Тун кунга уйқу бермас деҳқоним!

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCHJ

Nashr
O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MCHJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 31.03.2023-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

А. Мўмин. Ҳар баҳорда шу бўлар такрор.....	2
Ч. Қодиров. Ўз-ўзимизни алдаш – иймосизлик аломати	4
А. Ташматов. Проблемы качества образования, необходимость трансформации деятельности вуза	9
Ж. Сирожиiddinov. Гуруч қобиғи... чиқинди эмас, арзон ем маҳсулотидир	16
Ш. Содиқова. Деҳқон меҳнатидан олам яшарар	19
А. Мадалиев. Бошқарув ва уни янада такомиллаштириш жиҳатлари	21
V. Qaysarov, A. Islamov, O'. Xomidjonova. Ranunculaceae oilasiga mansub nigella sativa o'simligini tarkibi, xalq tabobatida qo'llanilishi va etishtirish texnologiyasi	25
G. Sh. Choriyeva, X. N. Sulaymonov. Ferula turkumi va turlari	27
С. Холмирзаева. Маҳбуб ул - қуллуб унда қадриятлар ва маънавий - ахлоқий масалаларнинг ёритилиши.....	29
Г. Умарбекова. Своеобразие преподавания русского языка	31
А. Ташматов, Б. Дўсов, Н. Жумабоева, О. Собирова, Д. Қодирхўджаева, С. Бабоев, Ж. Худойқулов. Фермер аёлларнинг агробизнес кўникмаларини ошириш дастури	33
Н. Тоиров. Озарбайжон халқининг улуғ фарзандига бағишланган дoston	37
С. Муллаева, Ш.Шукуров. Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш — долзарб вазифа.....	39
Ш. Жаббарова. Ҳоким ёрдамчиси — маҳалла жонкуяри	41
С. Акромов. Абу Али ибн Сино: деҳқончилик, боғдорчилик ва мевачилик сирлари	42
М. Тоиров. “Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу”	43
Н. Тоиров. Улуғ боғбон – аллома, академик Маҳмуд Мирзаевнинг сабоқлари	47
Б. Бобомурод. Баҳор! Баҳор! Умр Баҳори!	50
Жозиба. "Ерни эъзозла тупроқ бўлмасдан туриб"	52